# O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

№ 09
2020-yil, 4-fevral
Seshanba (32.603)

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


*Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!*

*АҚШ Давлат котибининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда Марказий Осиё ва Америка ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг "C5+1" форматидаги учрашуви ўтказилди.*

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.**

Президент Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда барқарор, тизимли тус олган ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган 2018 йил май ойида АҚШга олий даражадаги тарихий ташриф чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро алмашинувлар фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Конструктив, жумладан, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, аграр, энергетик, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Кейинги бир неча йил давомида товар айирбошлаш ҳажми икки баробар кўпайди. АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Америка инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Вебстер университетининг филиали ўз ишини бошлади.

АҚШ Давлат котиби, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Президент Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

АҚШ томони Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашда қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Майкл Помпео Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислоҳотларнинг натижадорлигини юксак баҳолади.

Давлат департаменти раҳбари, шунингдек, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида мустаҳкам асос яратаётганини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий аҳамиятга молик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат котиби Тошкентда Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Янги Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати туфайли минтақада ишонч, шериклик ва яхши қўшничилик муҳитини шакллантиришда катта натижаларга эришилгани таъкидланди. 2019 йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтган Марказий Осиё давлатлар раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди.

Иқтисодиёт соҳасида АҚШ етакчи компанияларининг Ўзбекистон бозоридаги иштирокини кенгайтиришни ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ келишувларга эришилди.

Майкл Помпео бугунги кунда мамлакатимизда савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини бир неча ўн карра ошириш имконини берадиган бизнес ташаббуслари учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, АҚШ мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнини жадаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиши қайд этилди.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш, жумладан, фуқаролик жамиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий дастурларни амалга оширишда конструктив ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, шунингдек, ушбу мамлакатни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Майкл Помпео Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга доир аниқ инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Учрашув сўнггида томонларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий экани таъкидланди.

**ЎзА**



## БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШ. БИРИНЧИ ЎҚИШ

3

## Ўзбекистон ХДП: устувор вазифалар

*Одамларнинг фикри, ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириш ислоҳотини ўзимиздан, ишга бўлган масъулиятга айлантиришдан бошланади*

*Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма йиғилиши видеомулоқот тарзида ташкил этилди. Партиянинг жойлардаги ташкилотлари фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги 500 нафарга яқин депутат ҳудудий студиялар орқали иштирок этди.*

*Йиғилишда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар яна бир бор ўрганилди, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдидаги вазифалар аниқлаштирилди, муҳокама этилди.*

*Йиғилишни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов кириш сўзи билан очар экан:*

*— Президент Мрожаатномасида жуда ҳам муҳим ва долзарб масалаларга тўхталиб ўтилди. Уларнинг барчаси бевосита халқ манфаати, мамлакат тараққиётига хизмат қилиши билан ўта аҳамиятлидир, — деди у.*
*— Хусусан, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлашиш долзарб масала сифатида белгиланди. Бу ғояни ҳаётга самарали жорий этиш фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлар, айниқса, сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклашини ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз зарур.*

*Давоми 2-бетда.* ►

ИФТИХОР

**Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида Майами-Бич шаҳрида (АҚШ) профессионал бокснинг WBA ва IBF йўналишлари бўйича ярим енгил вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Мурoджон Аҳмадалиевни тақдирлаш маросими ўтказилди.**



## Жаҳон чемпиони муносиб тақдирланди

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, бокс федерацияси раиси О.Раматов, жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Набиев, Миллий олимпия қўмитаси раиси Р. Шоабдураҳмонов, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, спорт федерациялари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимизнинг тегишли фармонига мувофиқ, Америка Қўшма Штатларининг Майами шаҳрида профессионал бокс бўйича бўлиб ўтган мусобақада юксак азму шижоат ва маҳоратини намоён этиб, юртимиз бокс спорти тарихида илк маротаба WBA ва IBF йўналишларида ғалаба қозониб, рекорд натижани қайд этгани ҳамда ёшларимизга ибрат намунасини кўрсатиб, улар онгида миллий ғурур, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириш борасидаги катта хизматлари учун бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Аҳмадалиев Мурoджон Қаҳҳор ўғлига "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони берилди.

Музаффар спортчимизни рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари номидан Тошкент шаҳрида жойлашган хонадон калити ва "Chevrolet Tracker" автомобили топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «Президент Мурожаатномаси халқимизни демократик жамият барпо этишга руҳлантирмоқда»

*АҚШнинг ўттиз иккинчи Президенти Франклин Рузвельт, Туркия Республикаси асосчиси Мустафо Камол Отатурк, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Мурожаатномаларидаги муҳим жиҳатлар ҳақида...*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида АҚШнинг ўттиз иккинчи президенти Франклин Рузвельтнинг 1933 йил 4 мартдаги Мурожаатномаси ва ундан кейинги даврда америкаликларга хитобларида яққол намоён бўлган ҳолат – бутун халқ, давлат, сиёсий партиялар, жамоатчилик, матбуот, нодавлат ташкилотлари бирга, қўлни-қўлга бергандагина бугунги иқтисодий қийинчиликларни енгиш мумкинлиги, халқ ва жамият ўз келажагининг ижодкори ("Жамият – ислоҳотлар ташаббускори") эканлиги ғояси олға игари сурилган: **"Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўрганcак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради".**

4

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

ЭЪТИРОФ

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганига шу кунларда бир йил тўлади...**

Webometrics Ranking of World Universities халқаро рейтинг тизими Испанияда 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда дунё миқёсидаги энг таниқли халқаро мустақил илмий рейтинг тизими ҳисобланади. Мазкур халқаро тузилма жаҳоннинг 30 мингдан ортиқ олий ўқув юртларини рейтинг натижаларини эълон қилишда илмий ишлар, илмий мақолалар, ўқув жараёнлари веб-сайтлар сифати, иш берувчилар, жамоатчилик фикри ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олади.



Глобал рейтингда биринчи ўринни Гарвард университети, иккинчи ўринни Станфорд университети, учинчи ўринни Массачусетес технологик институти эгаллади.

Ушбу халқаро рейтингда Ўзбекистондаги 85 олий ўқув юрти орасида Ўзбекистон Миллий университети биринчи, Тошкент педиатрия медицина институти Нукус филиали иккинчи, Самарқанд давлат медицина институти учинчи ўринни банд этиб, мамлакатимизнинг энг намунали олий ўқув юртлари каторига кирди.

Мазкур хушхабар — Президентимизнинг қарори ижросини таъминлаш йўлида барча изланишлар, имкониятлар ишга солинаётганини кўрсатади.

Бу — эътироф бутун Ўзбекистон халқида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

*Ушбу рейтингнинг тўлиқ матни билан қуйидаги сайтда танишиш мумкин: www.webometrics.info/en/Asia_es/Uzbekistan*

Uzbekistán

| ranking | World Rank | University | Det. | Presence Rank* | Impact Rank* | Openness Rank* | Excellence Rank* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 3971 | National University of Uzbekistan / O'zbekiston Milliy Univesiteti | | 9262 | 10907 | 3313 | 3436 |
| 2 | 6365 | (3) Tashkent Pediatric Medical Institute Nukus Branch | | 13653 | 2957 | 7357 | 6084 |
| 3 | 7834 | Samarkand State Medical Institute / Самаркандский Государственный Медицинский Институт | | 2898 | 11906 | 3574 | 6084 |
| 4 | 8419 | Tashkent University of Information Technologies Muhammad Al Khwarizmi | | 5225 | 8250 | 6824 | 6084 |
| 5 | 8733 | Tashkent State Pedagogical University | | 1414 | 16211 | 4210 | 5624 |
| 6 | 9009 | Samarkand State University | | 4202 | 13665 | 3521 | 6084 |
| 7 | 9496 | Tashkent Medical Academy | | 2569 | 14118 | 4008 | 6084 |
| 8 | 9783 | Karschi Engineering Economic Institute | | 9314 | 13765 | 3938 | 6084 |
| 9 | 11141 | Bukhara State University / Бухарский государственный университет | | 2496 | 16619 | 3894 | 6084 |
| 10 | 11537 | Tashkent Pediatric Medicine Institute | | 6565 | 16788 | 3720 | 6084 |

*Мурожаатномада халқ манфаати, халққа хизмат қилиш, халқни эъзозлаш тамойиллари мужассамлашган*





# Ўзбекистон ХДП: устувор вазифалар

Президентимиз таъкидлаганидек, олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, олдинга дадил интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради, деган даъват ҳаммамизга бирдек тегишлидир.

Мурожаатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бош вазифалардан бири бўлиб қолиши алоҳида қайд этилди. Бу борада жуда аниқ ва муҳим вазифалар белгиланди. Уларнинг аксарияти партиямиз депутатлик бирлашмалари бир неча йиллардан бери кўтариб келган, лекин ечимини топишга қийналган масалалар экани ҳаммамизни жипслаштириши, бошқа партияларга қараганда икки баробар масъулиятимизни ошириши зарур.

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли сонини камайтириш, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш партиямиз мақсадларининг асосидир. Ўзимизга савол берайлик: бугун кам даромадли инсон ким? У нега мураккаб вазиятга тушиб қолган? Албатта, бу саволларга турли нуқтаи назардан туриб турлича жавоб бериш мумкин. Лекин кам даромадли инсон деганда биринчи навбатда, ўйлашимизча, ўз вақтида яхши илм ололмаган, керакли ҳунар ўрганолмаган, бир сўз билан айтганда, тезкор замонга вақтида мослашолмаётган, ўз йўлини топишга қийналаётган одамлар кўз олдимизга келади. Бундай инсонларнинг аввало фикри, ҳаётга муносабати ўзгариши керак. Президентимиз бу масалада жуда муҳим ғояни илгари сурди: давлат ва жамият кам таъминланган одамларга ёрдам бериши, уларни ишга, ҳунарга, керак бўлса, тадбиркорликка ўргатиши, бунинг учун шароит яратиши зарур.

Халқ демократик партияси бу муҳим ғояга ўз дастурий мақсадларига эришиш йўлидаги устувор вазифа, деб қарайди. Партиямиз тизимида эҳтиёжманд оилаларга ўз ишини йўлга қўйишга ёрдам бериш бўйича бир нечта лойиҳалар амалга ошириб келинган, уларнинг муайян амалий натижалари ҳам бўлган. Аммо биз бу йўналишдаги ишларимиз ва лойиҳаларимизни бугунги юксак талаблардан келиб чиқиб, қайтадан режалаштиришимиз керак, — деди ўз маърузасида У.Иноятов.

Биринчи. Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини чуқур ўрганиб чиқиш, ундаги таклиф ва ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш.

Иккинчи. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида халқ билан мулоқот тизимини изчил йўлга қўйиш. Хусусан, маҳаллий Кенгаш депутатлари орқали муаммоларни аниқлаш ва уларни тизимлаштириш лозим. Ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги аҳоли муаммоларини ҳал этиш мақсадида Халқ қабулхоналари билан доимий ишлашини ташкил этиш керак. Фракция аъзолари сайловчилар билан белгиланган муддатларда учрашувлар ташкил этиш ва сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларни Парламентга киритиш муҳимдир.

Учинчи. Мурожаатномада кўрсатилган муҳим ижтимоий вазифалар ижроси бўйича Парламентда ташкил этиладиган ҳукумат соатига масалалар тайёрлаб бориш.

Тўртинчи. Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича ҳукумат ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ишлаб чиқилиши режалаштирилган ҳужжатларга партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб таклифлар тайёрлаш.

Бешинчи. Бюджет маблағларининг мақсадли ҳамда манзилли сарфланиши устидан парламент ва депутатлик назоратини янада кучайтириш.

Олтинчи. Лицензияланадиган ва рухсатномалар бериладиган фаолият турларини қисқартириш, тартиб-таомилларини янада соддалаштириш бўйича электорат манфаатларидан келиб чиқиб, таклифлар тайёрлаш. Айниқса, ўзини ўзи банд қилиб, даромад топаётган юртдошларимизга қулай қонуний шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Еттинчи. Бандликни таъминлаш мақсадида хориждан қайтган мигрантларни қўллаб-қувватлаш учун уларга текин ижара асосида экин ерларини ажратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Шунингдек, уларга қизиқиши ва хорижда орттирган тажрибаси асосида ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Саккизинчи. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва бунда давлат буюртмасини бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш. Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳукуматнинг дастурларига фракция ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан таклифлар тайёрлаш ва Ҳукуматга киритиш.

Тўққизинчи. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш. Дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб, партия фракцияси билан биргаликда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини оширишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бунда ҳокимнинг айни вақтда халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдорлигига алоҳида эътибор қаратиш.

Вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот бериш механизимини такомиллаштириш. Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этиш борасида таклифлар бериш.

Ўнинчи. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва шаффофлигини ошириш юзасидан ҳудудларда судлар фаолиятига оид муаммоларни ўрганиш ва тизимлаштириш. Аниқланган масалаларни тегишли мутасадди ташкилотларга ва Парламентдаги партия фракциясига тақдим этиб бориш.



Ўн биринчи. Аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш бўйича таклифлар бериб бориш. Жумладан, Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилаётган, 2020 йил учун бандликка кўмаклашишнинг давлат дастурига, шунингдек, Парламентда ташқи меҳнат миграция агентлигини эшитиш, ишчи кучига муҳтож бўлган хорижий давлатларни ўрганганлиги ва улар билан ҳамкорлик ҳолатини билиш, соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш керак.

Ўн иккинчи. Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини ошириш бўйича «Яшаш минимуми» ҳамда «Минимал давлат ижтимоий стандартлари» тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлиш.

Ўн учинчи. Пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, тизимни ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар бериш.

Ўн тўртинчи. Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш масалаларини мутахассислар ёрдамида чуқур ўрганиш.

Ўн бешинчи. «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, уй-жой билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилаётган дастурларга таклифлар бериш учун республика бўйича вазиятни ўрганиш.

Ана шу йўналишларнинг электоратимиз учун энг муҳимлари бўйича ҳар томонлама пишиқ ва пухта таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида депутатлар, партия фаоллари ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлари тузилиши лозим. Шунда Мурожаатнома асосида йўлга қўяётган ишларимизда аниқ натижа ва самара бўлади.

Шунингдек, Мурожаатнома асосида амалга оширилаётган амалий ишлар ва долзарб ижтимоий масалалар бўйича партия таклифларини партия сайти, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда фаол ҳамда таъсирчан тарзда ёритиб бориш керак бўлади, деди партия раҳбари.

Йиғилишда депутатлар, партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг аниқ таклифлар ишлаб чиқишига эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Фракция аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Халилла ЕШИМБЕТОВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси:**

— Президентимизнинг Парламентга Мурожаатномасини бутун халқимиз, хусусан қорақалпоғистонликлар катта қизиқиш билан тинглади. Давлатимиз раҳбарининг парламентга мурожаатида жамиятимиз ривожи, халқимиз фаровонлиги, ёш авлоднинг камол топишига ва барча муҳим йўналиш ҳамда соҳаларга оид вазифалар илгари сурилди.

Эътироф этиш керакки, кейинги уч йил ичида давлат халққа яқинлашди, халқ учун ишлай бошлади. Бу борадаги ижтимоий масалаларда мавжуд муаммоларнинг босқичма-босқич бартараф этилаётгани Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифаларига ҳам тўла мос келади.

Агар эътибор берадиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир чиқишида ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор бериб, аҳолини йиллар давомида қийнаб келаётган, бир сўз билан айтганда ҳаётий масалаларга ечим кўрсатиб берилди. Бугунги кунда ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад ҳам халқ ҳаётини яхшилаш, фуқароларнинг эмин-эркин яшаши, ривожланиши, бунёдкорлик ҳамда тадбиркорлик ишлари билан фаол шуғулланиши, турмуш мазмунининг бойишига эришишдан иборатдир.

Очиғини айтганда, жамиятимизда ижтимоий адолатни таъминлаган ҳолда аҳолини, хусусан, ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш, яъни таълим грантларининг сонини икки бароварга ошириш, қизларимиз учун қўшимча имтиёзлар тақдим этиш, педагогика соҳаси бўйича бакалавр даражасини олиш учун муҳим бўлган баъзи бир йўналишларининг ўқиш даврини уч йил қилиб белгилаш, умуман олганда мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим соҳасида туб ислоҳотлар қилиниши назарда тутилган ташаббуслар илгари сурилди.

Мисол учун, «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз», деб алоҳида урғу берилди. 2020 йилда Қорақалпоқ ёшлари учун катта янгилик Нукусда IT park қурилишини айтиб ўтди. Бу орқали бизнинг ҳам фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни тезда эгаллаб, ўзларининг жамиятда ўринларини эгаллашларига жуда катта имконият бўлади.

Умуман олганда, Мурожаатномада бугунимиз ва келажагимиз учун муҳим бўлган масалаларга оид қилиниши лозим бўлган ишлар аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Уларни тинглаб шахсан менда депутат сифатида бор кучим, билимим ва имкониятларимни ишга солиб, ташаббусларни рўёбга чиқариш борасида тинимсиз ишлашим керак, деган қатъий фикр пайдо бўлди.

**Олим РАВШАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:**

— Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам пуллари тўлаб келинмоқда. Лекин бу уларнинг ҳаёт кечиришлари учун етарли эмас. Жойларга чиқиб аҳоли муаммоларини ўрганганимизда, сайёр қабуллар жараёнида ҳамда Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлардан ҳам кўраяпмизки, кам таъминланган аҳоли вакиллари олаётган ижтимоий нафақалар ёки моддий ёрдам пуллари уларнинг оддий кундалик эҳтиёжларига ҳам етмаяпти.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари бу масаланинг муқобил ечимларини илгари сурди. Яъни аҳолининг кам таъминланган қатламини тадбиркорликка ўргатиш, улар учун муносиб иш ўринлари яратиш орқали камбағалликни камайтириш вазифалари белгилаб берилди.

Партиямиз ҳам бу борадаги ишларни изчил давом эттирган ҳолда, кам таъминланган аҳоли вакилларини оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, улар учун янги иш ўринларини ташкил этиш устидан самарали жамоатчилик назоратини олиб боришни олдимизда турган устувор вазифа, деб биламан.

Бундан ташқари, Мурожаатномада ижтимоий нафақаларни тўлашнинг мукаммал тизимини жорий этиш, нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уларни белгилашда очиқ ва адолатли тизим яратиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарурлиги, бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқилиши кераклиги таъкидланди. Биз ушбу тоифа инсонлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб олган сиёсий куч сифатида, бу борада ўзимизнинг аниқ таклифларимизни илгари суришимиз керак.

**Рустам КАЛАНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мурожаатнома ҳам ҳажман, ҳам мазмунан жуда кенг қамровли бўлиш билан бирга унинг мазмун-моҳиятида халқ манфаати, халққа хизмат қилиш, халқни эъзозлаш каби эзгу тамойил мужассам. Хусусан, мамлакатимиз ҳаётига доир қарорлар халқимиз билан бевосита мулоқот, одамларнинг хоҳиш-истаклари асосида қабул қилиниши шартлиги, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштиришига эътибор қаратилиши таъкидланди. Шу жиҳатдан Мурожаатнома фақат парламентга эмас, бутун халқимизга тегишли, деб биламан.

Бугунги кунда, партия тизимида фаолият юритаётган жамоатчилик қабулхоналарига уй-жой масалалари билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Муаммонинг асосли ечими уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб қилишдир. Ушбу амалиёт аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлашга ҳисса қўшади.

Ўтган йили кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди. Жорий йилда ҳам мана шундай жадал олиб борилаётган ислоҳотларда оғишмай ҳаракат қилиниши алоҳида таъкидланди. Вилоятлардаги шаҳарлар ҳамда Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингга яқин уй-жой хусусий сектор томонидан қурилиши маълум қилинди. Банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида уларга қарийб 4 триллион сўм маблағ аукцион орқали ажратилиши айтилди.

Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизи қоплашга давлат бюджетидан 1 триллион сўм субсидия ажратилади. Бу шунчаки рақамлар эмас. Бу рақамлар кимларгадир бахт, хотиржамлик беради. Келажагини ишонч билан қуришга олиб келади.

Биз бу жараёнда бевосита иштирокчи бўлишимиз, ҳар бир сўм манзилли ишлатилишини, уйлар ҳақиқий эгаларини топишида жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини ўрнатишимиз зарур.

**Дилором ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Мурожаатномада сиёсий партиялар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, баҳо берилгани ва партия аъзолари сафини ошириш борасидаги кўрсатмалар ҳам фаолиятимизни тубдан ўзгартириш ва янада такомиллаштиришни талаб этади. Мурожаатнома шу юрт келажаги, фарзандлари камолига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқарони амалга оширилаётган ўзгаришларни шунчаки кузатувчиси бўлмай, ислоҳотларда халқпарвар ташаббус ва ғоялар билан фаол иштирок этишга даъват қилди.

Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, фаровонлигини ошириш вазифалари устувор этиб белгиланган. Мурожаатномада мазкур йўналишда қамрови кенг, моҳиятан юксак ишлар амалга оширилиши белгиланган. Бу эса Халқ демократик партияси, унинг барча даражадаги 1600 нафарга яқин депутатлари олдида катта вазифалар турганини билдиради.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган Мурожаатномада халқимизга муносиб ҳаёт барпо этиш йўлида эзгу ташаббуслар белгиланган. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янги поғонага олиб чиқиш, халқимизни бугун ўйлантириб турган муаммоларни ҳал этиш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилди. Бир сўз билан айтганда, Мурожаатномада белгиланган вазифалар халқимизнинг турмуш даражасини бутунлай янги поғонага кўтаришга мустаҳкам асос бўлади. Энди фаол ва масъулиятли бўлиб, уларни рўёбга чиқариш, ҳаётимизга самарали жорий этиш ҳақида қайғуриб ишлашимиз зарур.

**Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Айтиш керакки, сайловчилар билан бўлиб ўтган сайловолди учрашувлар, мулоқотлар ва суҳбатларда ўз олдимизга қўйган барча вазифалар Мурожаатномада ўз аксини топган. Бу муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар юртдошларимизни ташвишлантираётган, уларни давлат идораларига, раҳбарларнинг ҳузурига қайта-қайта қатнашга, мурожаат қилишга мажбур қилаётган масалалардир. Олдимизда турган муҳим вазифаларни уддалаш муаммоларни ҳал қилиш, жамоатчиликдан, унинг айрилмас бир бўлаги — партиянинг ҳар бир аъзосидан улкан сафарбарлик, фидоийлик, ташаббускорлик ва якдилликни талаб этишини юракдан ҳис қилиб турибмиз.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик, биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли буюк халқмиз, бошқача қилиб айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодирмиз.

Бугун маҳаллий Кенгашларда, Парламентда хотин-қизлар сафининг ўсгани бизни фахрлантиради. Амалга оширилаётган ислоҳотларда опа-сингилларимизнинг фаол иштирок этаётгани, ижтимоий соҳаларда, тадбиркорликда, қишлоқ хўжалигида уларнинг катта кучга айлангани, айниқса қувонарлидир.

2020 йил хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, оилани қўллаб-қувватлаш масалалари янги босқичга кўтарилади. Бу йил 5,5 минг нафар тадбиркор хотин-қизларнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳалари учун 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, 1576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадаллар тўлаб берилади. Жорий йилда вилоятимизда 1519 хотин-қизнинг 500 нафари доимий иш билан таъминланади. 300 нафарга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмак берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимиз учун хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади. Ушбу муҳим тадбирлар натижасида мамлакатимиз бўйлаб юзлаб опа-сингилларимиз ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлайди, бизнес режаларини амалга оширади. Натижада юзлаб оилаларда уй бекаларининг турмуш шароити яхшиланади. Оиланинг моддий-иқтисодий жиҳати мустаҳкамланади.

**Топиболди ХОЛДОРОВ, «Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Мурожаатнома том маънода халқни ўзлигига қайтарувчи, асл моҳиятимизни англатувчи ҳамда чинакам маънода эзгуликка йўналтирилган нутқ бўлди.

Халқимизни узоқ вақтлардан бери қийнаб келаётган масалаларга ечим берадиган, мамлакатни катта тараққиёт йўлига олиб чиқадиган ислоҳотларга, виждонан, ҳалоллик билан фидойиларча ишлашга даъват этадиган ушбу Мурожаатнома ҳар бир фуқаронинг қалбига меҳр билан кириб борди. Энг муҳими, унда халқимизнинг бугунидан рози бўлишига ҳамда мамлакатимизнинг ҳар соҳадаги истиқболи борасида амалга оширилиши зарур бўлган барча ташаббус ва вазифалар ўз ифодасини топди.

Мурожаатнома турли соҳа вакиллари фаолиятига оид хулосаларни ўз ичига олди. Икки касб вакиллари эса, алоҳида тилга олинди. Булар – педагоглар ва шифокорлар. Уларнинг билим ва тажрибасини бойитиш, эл-юрт орасида обрўсини юксалтириш, даромадларини кўпайтириш лозимлиги уқтирилди.

Дарҳақиқат, мамлакат равнақи, халқ саломатлиги ва фаровонлигини кафолатлаш учун ушбу икки соҳани ислоҳ этиш, касб вакиллари мақомини кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эса, қонунчилик йўли билан ўқитувчи мақомини ошириш, тиббиёт ходимлари ҳимоясини кучайтиришга оид қонунлар орқали эришиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак, Мурожаатномада илгари сурилган асосий ғоялар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди платформасида назарда тутилган устувор вазифаларига тўлиқ мос келади. Бу эса ўз навбатида партия ва унинг депутатлар корпуси зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Демак, эндиликда биз иш услубимизни тубдан ўзгартириб, аниқ амалий ишларга ўтишимиз керак.

Йиғилишда Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари рўёбга чиқишига хизмат қиладиган ташаббусларни амалга оширишда қатъият билан фаолият юритиш зарурлиги таъкидланди.

Партия фаоллари депутатларнинг фикр-мулоҳазалари асосида Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга оширишга доир Халқ демократик партиясининг чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда партия дастурий мақсадлари билан боғлиқ 30 дан ортиқ вазифа белгиланди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Қодир БУМАТОВ олган суратлар.**

◀*Давоми, бошланиши 1-бетда.*

**Мурожаатномада кўплаб ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Улар қачон ва қандай сифатда амалга ошади?**

## *Битта барқарор иш ўрни бир инсон ҳаётини ўзгартиради*



**Улугбек ВАФОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Давлат раҳбари кун тартибига қўйган қайси бир вазифани олмайлик, ҳаммаси долзарб, уларнинг қайси биридир ўз вақтида бажарилмай қолиши иқтисодиётимизга, бугун бўлмаса эртага сиз билан бизнинг, фарзандларимиз ёки набираларимизнинг ҳаётига салбий таъсир қилади.

Таълимми, тиббиётми, иқтисодиёт-молия ёки маърифатми, ҳаммаси барчамиз учун аҳамиятли. Шунинг учун ишлаётган соҳа ёки тармоғимиздан қатъи назар, давлат ва жамият олдига қўйилган ғоя ва вазифаларни рўёбга чиқариш учун жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур.

Мени Халқ демократик партиясидан сайланган депутат сифатида, айниқса, бир масала чуқур ўйга толдирди. Маълумки, бу йил Ҳукумат зиммасига 500 мингта иш ўрни яратиш вазифаси юклатилди. Дунё иқтисодиётидаги, шунингдек, мамлакатимиздаги ўзига хос вазиятни ҳисобга олиб, фикр юритсак, бунча иш ўрни яратиш, уларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш осон масала эмаслиги яққол сезилади.

Мамлакатимизда иш кучи кўп, аҳоли даромадлари кўнгилдагидек эмас, демак, янги иш ўринлари очишга, ҳаракатчан кишиларга халақит бермай, аксинча, уларга ёрдамлашишга мажбурмиз. Бу йўлда кимнинг зиммасида қандай вазифа бўлса, тез ва сифатли бажариши зарур. Чунки ишсиз аҳоли кўпайган давлатда илм ҳам, маърифат ҳам, рақамли иқтисодиёт ҳам ривожланиши қийин.

Олий Мажлисда янгидан тасдиқланган Ҳукумат яқин истиқболда мамлакатимизда ишсизликни 7 фоизгача камайтириб, йилига камида 500 мингта иш ўрни яратиши, аҳоли даромадини 2 баравар ошириши кутиляпти. Биз, парламент аъзолари мана шу рақамларга эришилиши учун халқ вакиллари сифатида халқимиз олдида масъулмиз.

Айниқса, Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси бу масалада қайсар ва муросасиз бўлиши керак, деб ўйлайман. Нимага десангиз, режалаштирилган, манбаси ва имконияти аниқ бўлган битта иш ўрни кимнингдир сусткашлиги билан очилмай қолган ҳолатда мутасаддиларга нисбатан муроса қилишга ўрин йўқ бўлиши зарур. Парламент вазирдан қаттиқ сўрамаса, эртага сайловчилар унинг ўзидан қаттиқ сўрайди. Жамоатчилик эртага кўпроқ парламентни сусткашликда, муросасозликда айблаши мумкин. Ва бу мантиқан тўғри бўлади, чунки парламент ҳукуматдан кўра халққа яқин бўлиши шарт. Акс ҳолда, у ўзининг мазмуни ва моҳиятини бутунлай йўқотиб қўяди, умидсиз тузилмага айланиб қолади.

Халқ демократик партияси давлат раҳбарининг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳукумат олдига қўйган вазифасини қўллаб-қувватлайди. Биз, парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги 1600 нафар депутатларимизнинг кучи билан режага киритилган иш ўринлари вақтида очилиши ва улар барқарор бўлиши учун курашиш масъулиятини зиммамизга олишимиз шарт.

## *Илғор дунёга тезроқ мослашишимиз керак*



**Меҳрожиддин ДАРХОНОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Алоҳида эътироф этиш керакки, кейинги уч йил ичида давлат халққа яқинлашди, халқ учун ишлай бошлади. Ижтимоий йўналишдаги муаммолар босқичма-босқич бартараф этилаётгани Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Партиямиз депутатлик бирлашмалари давлат идораларининг халқ олдида масъуллигини кучайтириш бўйича назорат ўрнатиши, халқ манфаатлари устуворлиги учун принципиал позицияда туриши керак бўлади.

Бугунги кунда ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад ҳам халқ ҳаётини яхшилаш, фуқароларнинг эмин-эркин яшаши, бунёдкорлик ҳамда тадбиркорлик ишлари билан фаол шуғулланиши, турмуш мазмунининг бойишига эришишдан иборатдир.

Мурожаатномада партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш олдимизда турган долзарб вазифа эканига алоҳида эътибор қаратилди. Бу масала нега муҳим? Тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлатда демократияни кўппартиявийлик тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Оддий айтганда, демократия сиёсий партияларсиз, сиёсий партиялар демократиясиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, жамиятда кўппартиявийликнинг мавжудлиги бу сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги деганидир. Фикрлар хилма-хил бўлган жамиятда ривожланиш суръатлари тезроқ кечади. Шу жиҳатдан қаралганда, биз тарихий даврда яшаётганимизни унутмаслигимиз керак, деб ўйлайман. Яъни, партия фаоли, муайян ғоялар тарафдори сифатида қанчалик қатъий бўлсак, келгусида партияларнинг ҳам обрўси жойида бўлади. Эртага жамият қайси йўлдан кетиши бугун биз қилаётган ишлар характери ва мазмунига боғлиқ.

2020 йил "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас. Дунёнинг биз ҳавас қилаётган ривожланган давлатлари илм, маърифат орқали ўз тараққиётини таъминлаган, янги технологиялар иқтисодиётнинг барча жабҳасига чуқур татбиқ қилинган. Хусусан, молиявий технологиялар, ер ресурсларини бошқариш, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланилади.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт энг кўп ривожланган мамлакатлар АҚШ ва Хитой экани айтилмоқда. Дунё бўйича блокчейн технологияларга доир патентларнинг 75 фоизи айнан шу давлатларга тўғри келади. Ўз навбатида интернет маҳсулотларининг 50 фоизини шу давлатлар аҳолиси харид қиларкан. Бу тизим ҳар қандай соҳанинг шаффофлик даражасини оширади, коррупция ҳолатларининг кескин камайишига хизмат қилади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради.

Аввало, шуни айтиш жоизки, рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. "Рақамли" атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишини англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.

Дунё шу йўлдан кетаяпти. Ўзбекистон ҳам мазкур жараёндан четда қолмаслиги керак. Зеро, биз дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида гапирарканмиз, бу борада ўзгарган (трансформация қилинган, янгиланган) иқтисодиёт равнақи муҳим саналади.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарийб беш миллиард қурилма интернетга уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши мумкин экан.

Албатта, "рақамли иқтисодиёт"ни шакллантириш учун инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурслари керак бўлади. Яъни бу осон кечадиган жараён эмас. Лекин биз нимаики яхшилик, тараққиёт олиб келса, унга қисқа вақтда мослашишга бурчлимиз. Шунинг учун ушбу тизимга ўтиш жараёнини тезлаштириш лозим.

## *Одамларни қийнаш эмас, уларга шароит яратиш керак*



**Акмал ТУРСУНБОЕВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим мудири:**

— Президент Мурожаатномасида кўтарилган масалалар бугун ҳаётимиздаги нечоғлик аҳамиятга эгалигини халқимизнинг кайфиятидан билиш мумкин. Маҳалла-кўй, жамоат транспортларидаги ўзаро суҳбатларда Мурожаатномада билдирилган таклифларни амалга ошириш халқимиз учун нақадар зарур экани таъкидланмоқда.

Албатта, Мурожаатномада бугунги кунда аҳолимизни ўйлантираётган энг муҳим масалалар, уларни зудлик билан ҳал этиш учун аниқ ва равшан вазифалар кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун бутун жамият ишни биргаликда, ҳамжиҳатликда ташкил этиши лозим.

Мурожаатномада кўплаб ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Улар қачон ва қандай сифатда амалга ошади? Ҳаммамиз учун энди шу савол бирламчи бўлиши зарур, деб ўйлайман.

Демак, партиямиз ташкилотлари, барча даражадаги депутатлар Мурожаатномадаги ғояларни рўёбга чиқариш бўйича аввало ҳаётга фойдаси тегадиган, муаммоларни ечишга ёрдам қиладиган таклифлар бериши ва уларнинг ижроси учун курашувчан бўлиши лозим. Чунки, Мурожаатномадаги масалаларнинг аксарияти партиямиз ғояларига жуда уйғун. Жамоатчилик партияга депутатларининг журъати ва шижоатига қараб баҳо беришини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Жимжимадор сўзларни гапиришдан кўра, одамларни ўйлантираётган бир-иккита масалага эътибор қаратишни лозим, деб топдим.

Мурожаатномада фаолиятни лицензиялашни соддалаштириш ва мақбуллаштириш масаласи кўтарилди. Биламизки, бугунги кунда айрим фаолиятларни лицензиялашда қатор ноқулайликлар ва мураккабликлар бор. Мисол учун, ўзининг шахсий автоуловида киракашлик қилаётган ҳайдовчилар фаолиятини лицензиялаш бўйича бир қатор белгиланган тартиб-қоидалар бор. Тартиб шунчалар мураккаблаштириб ташланганки, ҳайдовчлар қонуний йўлини бажаришдан кўра, ноқонуний, яъни яширинча лицензиясиз ишлашни маъқул кўришмоқда. Ваҳоланки, уларнинг фаолиятига рухсат берувчи битта қадамдан иборат, арзон ва қулай рухсатномани олиш таклиф қилинадиган бўлса, ҳайдовчилар бунга рози бўлади, деб ўйлайман. Бизда эса, аксинча, қайсидир ташкилотларни молиялаштиришни лицензия суммасига боғлаб қўйганмиз. Давлат хизматлари маркази ҳам бу каби рухсатномаларни бериши мумкин-ку.

Яна бир оддий мисол, халқ хизматида юрган ҳофизларнинг фаолиятини лицензиялашни ҳам соддалаштириш лозим. Улар арзимаган пул учун халқимизга хизмат кўрсатади. Қиш ойларида эса ойда бир маротаба бўладиган тўй ёки бошқа хизмат учун ҳам 6 ойлик рухсатномани кичкина бўлмаган маблағга сотиб олишга мажбур бўляпти. Бундан ташқари, Сенат қарорига кўра белгиланган янги тартиб бўйича эндиликда тўйларда хизмат кўрсатувчи ҳофизлар, фото-видео ва бошқа хизматлар ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда яна ўзининг тармоғидан рухсатнома олиши лозим. Бундай мураккаб тартиблар аксинча вазиятни янада чигаллаштиради-ку!?

Партиямиздан сайланган депутатлар билан бирга мана шунга ўхшаш масалаларда аниқ таклифлар ишлаб чиқиб, мутасадди ташкилотларга очиқ тарзда тақдим этишимиз зарур. Шунда уларнинг масъулияти, жамоатчиликда эса фаоллик ошади.

Мурожаатномада хорижда меҳнат қилаётган мигрантларга шароит яратиб бериш зарурлиги билдирилди. Бунинг учун Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятини жонлантириш лозим. Улар мунтазам равишда ишчи кучига эҳтиёжи юқори хориж давлатлари билан музокаралар олиб бориши, уларнинг миграцион шартларини янада енгиллаштиришга эришиши ва фуқаролар чет элга кетишларидан олдин малакаларини оширишлари лозим эди. Аммо бу соҳадан кўплаб фуқароларимиз жабр кўрганига гувоҳ бўлдик. Олий Мажлис палаталари Ташқи меҳнат миграцияси агентлигини мунтазам равишда эшитиб бориши, бу жараёнда партиямиз ташаббускор бўлиши зарур.

Мурожаатномада таълимдаги ислоҳотларга ҳам тўхталиб ўтар экан, Президентимиз олий таълимдаги давлат гранти ўринлари икки бараварга оширилиши, имтиҳонлар соддалаштирилиши, мутахассисликка тегишли бўлмаган фанлар қисқартирилишини билдирди. Давлат гранти ўринлари кўпайиши биринчи навбатда мутахассислар етишмаётган қишлоқлардаги иқтидорли болаларнинг фойдасига бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, бугунги кунда қишлоқ жойларида кадрлар етишмаслиги муаммоси кенгайиб кетмоқда. Буни бартараф қилиш учун интилувчан битирувчиларни ўзи туғилиб ўсган қишлоғида ишлаш шарти билан грант ажратиб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда муҳим соҳаларга кадрлар етишмаслиги муаммосини тезроқ ҳал қилишга эришар эдик.

Шу йўналишлардаги таклифларни тегишли дастурларга киритиб, ижросини таъминлайдиган бўлсак, ўйлайманки, халқимизга катта манфаат етади.

> *Мамлакатимизда иш кучи кўп, аҳоли даромадлари кўнгилдагидек эмас, демак, янги иш ўринлари очишга, ҳаракатчан кишиларга халақит бермай, аксинча, уларга ёрдамлашишга мажбурмиз.*

# Биринчи йиғилиш. Биринчи ўқиш

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама этилди.*



Дастлаб "Стратегик режалаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа Президентнинг "Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида ишлаб чиқилган.

Давлат ва жамият стратегик режалаштиришсиз барқарор ривожлана олмайди. Айниқса, тезкор ўзгараётган замонда ҳар хил чақириқларга мос бўлиш, турли муаммоли масалаларни оқилона ҳал этиш долзарб аҳамият касб этяпти. Стратегик режалаштириш муҳим вазифа, уни бажариш учун аввало қонун керак. Лекин қонун керак экан, деб уни номига қабул қилиш ярамайди, қонун бўлгандан кейин ҳар томонлама мукаммал, давлатга ва халққа фойдаси тегадиган қонун бўлиши зарур. Депутатлар ўз фикр ва таклифларини билдирган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини маъқуллади.

Фракция йиғилишида "Бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа билан амалдаги 7 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча киритиляпти. Мазкур кодекснинг 29[1] моддасида чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартиби акс этган. Ушбу моддага чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қандай ҳолларда чиқариб юбориш мумкин эмаслиги ҳақида аниқлик киритилмоқда.

Эндиликда ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири ёки васийликка ёхуд ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра яшаш ҳуқуқига эга бўлса, маълум ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан маъмурий тарзда чиқариб юборишга йўл қўйилмаслиги белгиланяпти. Айнан қандай ҳолатларда чиқариб юборишга йўл қўйилмаслиги қонун лойиҳасида аниқ назарда тутиляпти. Шунинг учун Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда Оила кодексининг никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан ҳал этиладиган масалаларга оид моддаси(44-моддаси)га таклиф этилган қўшимча қизғин мунозара келтириб чиқарди.

Бу қўшимча Президентнинг "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган. Мазкур Қарорда "оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақли экани" қайд этилган. Боланинг фикрини ҳисобга олиш умуминсоний ва принципиал масала. Шунинг учун Президент қарорида бу масала аниқ акс этган.

Лекин Оила кодексига таклиф этилаётган қўшимча ўша принципиаллик ва аниқликни тўлиқ ифодаламайди, дейишди депутатлар.

Чунки, кодексга "Никоҳ бекор қилинганидан сўнг, вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшаши масаласини ҳал қилишда, суд боланинг фикрини, боланинг етуклик даражасини, ёшидан қатъи назар, унинг онги даражасини инобатга олиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт", деган мураккаб меъёр таклиф этилган. Масалан, "боланинг онги даражасини инобатга олиши", дейилганда нима назарда тутилаётганини илғаш қийин. Инсон ҳақида, айниқса, вояга етмаган болалар тақдири билан боғлиқ меъёр белгилашда катта масъулият билан ёндашишиз зарур.

Шу боис таклиф этилаётган меъёр матнини мақсадга мувофиқлаштириш таклифи берилди.

Фракция аъзолари Уй-жой кодексига ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлашни, Солиқ кодексига болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъволар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи қўшимчаларни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Депутатлар "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга қўшимча киритиш орқали Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини жорий этиш таклифини ҳам атрофлича муҳокама қилишди.

Болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва бошқа органлар, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда бу таклиф долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари кафолатланиши билан боғлиқ жараёнларни танқидий таҳлил қилиш, ҳаётий таклифлар ишлаб чиқишда янги институт долзарб вазифани бажариши лозимлигига эътибор қаратилди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида" қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳага мувофиқ амалдаги 2 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Хусусан, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунига давлат ижтимоий буюртмаси тўғрисида ўзгартиш киритиш, яъни, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмаси беришда жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантиришни Вазирлар Маҳкамаси ваколатидан чиқариш таклиф этилмоқда.

Ушбу таклиф Президентнинг "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб чиқилган.

Фракция аъзолари бу таклифни қўллаб-қувватлади. Чунки давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмаси бериш вазифаси бўйича алоҳида жамоатчилик кенгаши ташкил қилиниши, бундай кенгашлар ҳукуматдан мустақил фаолият олиб бориши зарур. Шунда соҳада ортиқча бюрократизмнинг олди олинади, нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақил бўлиши керак.

Ўз навбатида фракция аъзолари жамоатчилик кенгашлари фаолияти билан боғлиқ меъёрлар янгидан қабул қилиниши режалаштирилаётган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасида аксини топиши лозим, деган таклифни илгари сурди.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунга ҳам давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга давлат ижтимоий буюртмаси беришда жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантиришни Вазирлар Маҳкамаси ваколатидан чиқариш билан боғлиқ ўзгартиш киритиш таклиф этилмоқда.

Бу таклиф ҳам Президентнинг "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб чиқилган.

Халқ демократик партияси фракцияси таклифни маъқуллади. Шу билан бирга, жамоатчилик кенгашларини шакллантириш масаласида ўз таклифини берди. Яъни, жамоатчилик кенгашларининг намунавий регламенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилиши демократик тамойилларга ҳар томонлама мувофиқ бўлади.

Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам партия ғояларидан келиб чиқиб, принципиал тарзда муҳокама этилди. Айтиш керакки, фракциянинг қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган биринчи йиғилиши қизғин фикрлар, айрим масалаларда баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фаол қатнашишларини айтиб, таклифларини берган ҳолда, қўллаб-қувватлаш ҳақида қарорлар қабул қилди.

**Халқ демократик партияси Ахборот хизмати**

МУНОСАБАТ

# «ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ ХАЛҚИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШГА РУҲЛАНТИРМОҚДА»

*АҚШнинг ўттиз иккинчи Президенти Франклин Рузвельт, Туркия Республикаси асосчиси Мустафо Камол Отатурк, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Мурожаатномаларидаги муҳим жиҳатлар ҳақида...*



**Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
Самарқанд давлат университети филология факультети декани, профессор:**

— Тарихда миллат ўз тараққиётининг масъулиятли босқичига кирар экан, халқни ортга қайтмас ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва ислоҳотлар учун сафарбар қилиш, узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифалар ҳамда бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган тактик ҳамлаларни сиёсий элита ҳамда эл-юрт (жамоатчилик)га англатиш учун сиёсий лидерлар парламентга, у орқали мамлакат аҳолисининг барча қатламларига Мурожаат қилиши дунё сиёсий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб келди.

Мамлакатимизда бу сиёсий анъана 2017 йилдан – Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шакллана бошлади. Зеро, Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга илк Мурожаатномасида қайд этилганидек, **“...дунёдаги кўпчилик тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд. Давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади...”**

2020 йил 24 январда янги сайланган Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенати аъзоларига хитобан сўзланган учинчи Мурожаатнома ўзининг мазмун ва моҳияти, бутун мамлакат, миллат ва парламент олдига қўйилган вазифалар кўлами жиҳатидан сиёсий маданиятимизда яқинда шакллана бошлаган бу анъанани сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Мурожаатнома Ўзбекистон ҳаётида бошланган янгиланиш, очиқлик, демократик ва либерал иқтисодий ислоҳотлар Президент ва ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатда тутувчи ўзгармас ва ортга қайтмас йўли эканини намойиш қилди. Бу Мурожаатномада Шавкат Мирзиёев алоҳида қайд этганидек, **“Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислоҳотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз”.**

Дунё тарихига кўз ташласак, мамлакат лидерининг парламентга ва халққа Мурожаатномалар билан чиқиши анъанаси ўз юртларида беқиёс ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширган, ўлканинг ва жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк лидерларнинг сиёсий ҳаёт йўлидаги қийинчиликлар ва тўсиқларни енгишнинг бир усули ва рамзи бўлганини кўрамиз. Хусусан, АҚШдаги 1929-33-йилларда рўй берган буюк бўҳронни енгиш ва мамлакатни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқишда атоқли давлат арбоби Франклин Рузвельт ўзининг 12 йиллик Президентлик даврида (1933-1945) бир неча бор Конгрессга ва тўғридан-тўғри америкаликларга мурожаат қилган. У 1933 йил 4 мартда Президентлик лавозимига киришар экан, Америка халқига биринчи бор мурожаат қилади ҳамда хонавайрон бўлган фермерларни ва қишлоқ хўжалиги тизимини, банкротлик ботқоғига ботган саноатни, барбод бўлган банкларни жонлантириш орқали АҚШ иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясини эълон қилади. Бу стратегияга асосан дастлабки 100 кунда “янги йўл” деб ном олган сиёсатнинг асосий параметрлари ва унинг ҳуқуқий асоси яратилган. Франклин Рузвельтнинг “янги йўл” сиёсати туфайли Америка ўз тарихидаги энг даҳшатли буҳронни енгани ва 2-Жаҳон урушидан кейин дунёдаги энг қудратли давлатга айлангани рост. Франклин Рузвельтнинг Конгрессга ва америкаликларга қилган Мурожаатларидаги қуйидаги фикрлар муваффақиятли бир сиёсатчининг ҳаётий тажрибасидан вужудга келган афоризмларга айланган:

***“Ҳақиқий шахсий ҳурриятни иқтисодий хавфсизлик ва мустақилликсиз таъминлаш мумкин эмас”;***

***“Муҳтож инсон эркин бўла олмайди”;***

***“Денгиз жангида кемаларсиз ғалабага эришиб бўлмаганидек, ғоялар урушида китобларсиз зафар қозониш қийин”;***

***“Сиёсатда ҳеч нарса ўз-ўзидан юз бермайди, агар бирор нарса рўй берса, у аввалдан ўйланган бўлади”;***

***“Бизда тараққиётнинг даражаси бойларнинг янада бойиб кетиши эмас, балки ҳеч вақоси бўлмаган камбағалларни етарлича таъминлаш билан ўлчанади”.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида АҚШнинг ўттиз иккинчи президенти Франклин Рузвельтнинг 1933 йил 4 мартдаги Мурожаатномаси ва ундан кейинги даврда америкаликларга хитобларида яққол намоён бўлган ҳолат – бутун халқ, давлат, сиёсий партиялар, жамоатчилик, матбуот, нодавлат ташкилотлари бирга, қўлниқўлга бергандагина бугунги иқтисодий қийинчиликларни енгиш мумкинлиги, халқ ва жамият ўз келажагининг ижодкори (“Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”) эканлиги ғояси олға игари сурилган: **“Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.**

Инсониятнинг яқин тарихида ўзининг изчил сиёсий стратегияси ва тактик даҳоси билан жуда мараккаб вазиятлардан чиқишни уддалаган ҳамда миллатини орқасидан эргаштириб, ҳар тарафлама сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим ислоҳотларини муваффақиятли уддалаган яна бир улуғ сиёсатчи Туркия Республикасининг асосчиси Мустафо Камол Отатуркдир. Мустафо Камол Отатурк (1881-1938) Усмонийлар салтанати парокандаликка учраб, мамлакат Ғарб давлатлари томонидан ишғол этилган бир даврда сиёсат майдонига чиқди. У турк халқининг ғолибона озодлик урушига етакчилик қилди ва Усмонийлар салтанатининг вайроналари ўрнида замонавий, дунёвий-демократик Туркия Республикасини барпо этди.

Туркия Буюк Миллат мажлиси (ТБММ) ташкил топган 1920 йилдан эътиборан Отатурк ҳар йили парламентнинг янги тўпланма йили бошланишида парламентга хитобан нутқ сўзлаган. Айниқса, унинг 1922 йил 1 мартдаги ана шундай нутқи эътиборга сазовордир.

Турк инқилобининг йўлбошчиси ушбу мурожаатида янги барпо этилаётган турк давлатида ижтимоий адолатни қарор топтириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатли қонунларга асосланган суд-ҳуқуқ тизимини барпо этишга алоҳида тўхталади. Отатуркнинг ўша нутқидаги қуйидаги фикрлар эътиборга сазовордир:

**“Ҳукумат мамлакатда қонунни устувор қилиш, адолатнинг ҳукмрон бўлишини таъминлаши лозим... Адлия тизимимизда эришиладиган мақсад аввало халқни чарчатмасдан, тўғрилик ва ишончли тарзда ҳақиқатни жорий қилишдир. Иккинчи вазифа эса давлат ва жамоат ташкилотларимиз бутун дунё билан алоқаларини муттасил олиб бориши табиий ва зарурдир. Бунинг учун адолатни таъминлаш савиямизни бутун маданиятли ўлкаларнинг савиясида тутишимиз керак. Бу мақсадга эришмоқ учун ихтиёримиздаги қонун ва усулларни давомли равишда тузатиш, янгилаш ва жонлантириш лозим”.**

Давлатимиз раҳбари 2017, 2018 йиллардаги Мурожаатномаларида ҳам айнан ана шу ғоялар кучли урғу билан ифодаланган эди: **“Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт”.** Зеро, **“ ...ички ишлар идоралари ҳали чинакам “Халқпарвар ички ишлар идоралари”га айлангани йўқ.**

**Прокуратура органларининг эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти етарли эмас. Суд идоралари ҳали-ҳамон ҳар қандай ҳолатда адолат қарор топадиган масканга айлангани йўқ”.**

Ушбу мурожаатномалар парламент ва халқимиз томонидан дастуриламал этиб қабул қилингандан кейинги даврда “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги ва “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиб ва қабул этилиши жамиятимизда қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим силжишлар юз берди, “ваколатли органлар” конституцион рамка доирасида ишлай бошладилар.

Мустафо Камол Отатурк мамлакатни бошқарган йилларда Туркия типик бир аграр мамлакат, қишлоқ хўжалиги ва деҳқонлар ўлканинг асосий ишлаб чиқариш кучлари эди. Ана шу вазиятда қишлоқ хўжалиги ва деҳқонларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий тангликдан чиқишнинг ягона йўли эканлигини у ўзининг кўпгина мурожаатларида такрор-такрор айтиб ўтади. Унинг юқоридаги мурожаатномасида қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

**“Жаноблар, миллатимиз деҳқонлардан иборат. Биз миллатимизнинг деҳқончиликдаги ишларини замонавий иқтисодий чоралар билан энг юқори савияга кўтаришимиз лозим. Деҳқон меҳнатининг натижаларини ва меҳнатининг самарасини унинг ўзининг фойдасига хизмат қилишини энг юқори даражага кўтариш – иқтисодий сиёсатимизнинг бош тамойилидир. Шу сабабли, бир тарафдан деҳқоннинг меҳнати ҳажми ва маҳсулдорлигини оширадиган билим, восита ва илмий ишларни авж олдириш ва бошқа тарафдан пировард натижада уни ўз меҳнатидан энг кўп даражада манфаат кўришини таъминлаш учун ҳаракат қилишимиз керак”.**

Кўриниб турибдики, Мустафо Камол Отатурк жамиятдаги ислоҳотлар кенг омма орасига ёйилганда ва мамлакатдаги аҳоли банд бўлган иқтисод тармоғида реализация қилинганидагина муваффақиятга эришишига ишора қилмоқда. Президентимизнинг шу йил 24 январдаги Мурожаатномасида мамлакатимиз деҳқонларининг оёғига тушов ва қишлоқ хўжалигининг тез суръатли тараққиётига ғов бўлаётган “ғалла ва пахтага давлат буюртмаси” каби маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг зарарли оқибатларини тугатиш хусусидаги ўринлар турк сиёсатчисининг бундан 100 йил олдин айтган фикрига ҳамоҳангдир. Бинобарин, мурожаатномада “ғалла ва пахтага давлат буюртмаси”нинг унсурини бекор қилиш хусусидаги кўрсатмалар деҳқонга ва деҳқончиликка берилаётган юксак эътиборнинг намунасидир. Президент Шавкат Мирзиёев куюнчаклик билан айтганидек, **“...бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шу боис, пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди”.**

Жамият тараққиётини таълим ва илм-фансиз тасаввур қилмайдиган Мустафо Камол Отатурк каби узоқни кўра оладиган стратегик тафаккур эгалари таълимни тез суръатлар билан тараққий этишнинг калити деб билганлар. Мустафо Камол Отатурк жумладан, бу хусусда парламент аъзоларига қуйидагича мурожаат этган : **“...мамлакатнинг ҳақиқий эгалари (турклар ва қишлоқдаги аҳоли назарда тутилмоқда – муаллиф) ҳозиргача таълимдан четда тутиб келинди. Шу туфайли бизнинг таълим сиёсатимизнинг моҳияти аввало билимсизликни йўқ қилишдир. Тафсилотга кирмасдан лўнда қилиб айтганда, бутун халқимизга ўқиш, ёзишни ўргатиш, уни ватанини, миллатини, динини, дунёни танишига кўмаклашадиган география, тарих, дин ва ахлоқ, математика билан алоқадор билимларни бериш таълим дастуримизнинг биринчи ва асосий мақсадидир... Ўрта таълимда таълим-тарбияни амалиёт билан алоқали бўлишини таъминлаш шартдир. Хотин-қизларимизнинг таълимнинг барча босқичларидан ўтиб, вояга етишларига жиддий эътибор берилиши шартдир”.**

Президентимизнинг Мурожаатномасида ҳам Отатуркнинг юқоридаги гапларига ҳамоҳанг фикрлар мавжуд. Яъни орадаги ўн йилликлар ва ҳатто бир аср фарқ бўлишига қарамай, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашга жазм қилган халқ ва жамият учун таълим ва илм-фан, бунда аёлларнинг ўрнини юксалтириш ғояси устувор бўлиб қолиши табиий. Шу сабабли Мурожаатномадаги ушбу фикрлар асло ва асло тасодифий эмас: **“ Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз.**

**Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?**

**Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади. Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши керак”.**

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномалари янги Ўзбекистоннинг XXI асрдаги тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак фикр ва ғоялар билан тўлиб-тошган. Муҳими, бу ғоялар халқимизнинг қалбидан кенг ўрин олмоқда, уни ҳур, эркин, адолатли, фаровон ва демократик жамият барпо этишга руҳлантирмоқда.

*Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради».*

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## «Ёшларимиз – келажагимиз бунёдкорлари»



**Шу мавзуда Шуманой туманидаги 13-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирни туман ҳокими Баҳадир Янгибаев очиб, юртимизда келажак эгалари учун яратилган имкониятлар хусусида сўзлади. Шунингдек, ҳар бир йигит-қиз бунга муносиб бўлиши, ишончни оқлаши зарурлигини таъкидлади. Шундан сўнг, ёшларни ўйлантираётган муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама этилди.**

– Ҳудудда Халқ демократик партиясининг 37416 аъзосидан 13 457 нафарини ёшлар ташкил этади, — деди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси Халилла Ешимбетов. — Яқинда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 9 нафар ёш сайланган бўлса, уларнинг икки нафари партиямиз аъзосидир. Бундан кўринадики, ёшларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол кириб келмоқда. Энг муҳими, улар ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда.

Ўз навбатида биз ҳам йигит-қизлар билан яқин муносабатда бўлишимиз, улар билан дилдан суҳбатлашишимиз керак. Орзу-ҳаваслари рўёби учун ҳамкорликда курашишимиз талаб этилади. Бугунги тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Очиқ мулоқот чоғида туманда чет тилларини ўргатувчи марказ ташкил этиш, мактаблар учун интернет алоқасини яхшилаш, таълим даргоҳларини зарур адабиётлар билан таъминлаш каби муаммолар очиқ-ойдин айтилди. Тегишли ташкилотлар вакилларига аниқ вазифалар юклатилди.

Шунингдек, тадбирда фаол қатнашган ёшларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**



## Очиқ мулоқот

**Фарғона давлат университети санъатшунослик факультетининг мажлислар зали ёшлар билан гавжум. “Ёшларимиз – келажагимиз бунёдкорлари” мавзусида ўтказилаётган очиқ мулоқот олдидан тадбир иштирокчиларидан бирини суҳбатга чорладик.**

– Фарғона давлат университети санъатшунослик факультетида ўқийман, — дейди Фароғат Қудратуллаева. – Ўқув даргоҳимизда ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан ўтказилиши режалаштирилган очиқ мулоқот ҳақидаги эълонни кўриб, очиғи жуда хурсанд бўлдим. Бизларни ташвишлантираётган масалада фикримизни тинглайдиган ва энг муҳими, муаммоларга ечим топиш учун кўмакка интилаётган ЎзХДПнинг масъул ходимлари фаолиятидан миннатдормиз.

Маълумки, 2019 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашув ўтказган эди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур учрашувда навқирон авлод вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари уларнинг таклифлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, вилоят партия кенгаши “Ёшларимиз – келажагимиз бунёдкорлари” мавзусида ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Унда ЎзХДП вилоят, туман (шаҳар) кенгашларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари, “Етакчилар клуби” аъзолари ва барча қизиқувчи ёшлар иштирок этди.

Тадбир сўнггида ЎзХДП сафига қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашида ҳам шу мавзуга бағишлаб очиқ мулоқот ташкил этилди. Тадбир вилоят Ҳунармандлар, Бадиий ижодкорлар уюшмалари ҳамда Ахборот-кутубхона маркази фаоллари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Дастлаб, тадбир иштирокчилари Гулистон давлат университетида бўлиб, таълим даргоҳида янги очилган “Қатағон қурбонлари” музейи ҳамда инновацион лаборатория фаолияти билан яқиндан танишди. Ёш ҳунарманд ва рассомлар томонидан ташкил этилган ижод намуналаридан баҳраманд бўлди.

Тадбир доирасида вилоят Ахборот-кутубхона ходимлари томонидан ижтимоий-сиёсий, бадиий китоблар кўргазмаси намойиши ҳам ўтказилди. Йигит-қизлар севиб ўқиган асарлари ҳақида ўзаро фикр алмашди.

Очиқ мулоқотни Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Беҳзод Эшмирзаев очиб берди. Ўз маърузасида мамлакатимизда “Янги сайловлар — янги Ўзбекистон” шиори остида бўлиб ўтган сайловлар, партиядан сайланган депутатларнинг келгусида электоратимиз олдида турган муҳим вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Холбек Жалолов ҳамда Анорқул Бойбеков иштирокчилар билан суҳбатлашиб, амалиётга татбиқ этиш учун улардан таклифлар олди.

Тадбир якуни савол-жавобларга уланиб кетди. Фаол иштирок этган ёшлар партиянинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўзбекистон ХДП ҳудудий кенгашлари
Ахборот хизмати.**

*Муносабат*

# ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини қайта-қайта ўқиб, қатор саволлар устида узоқ ўйлашга тўғри келди.*

**Бугун Президентимиз нима учун илм-фан, таълим-тарбия, маънавият, маърифат ҳақида такрор ва такрор гапирмоқда, нима учун таълим соҳасини ислоҳ этишга бунчалик катта эътибор қаратаяпти? Нима учун олимлар, академиклар билан тез-тез учрашмоқда?..**

Нима учун ўтган 2019 йилни «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилди?

Бу саволлар ҳаммаси мантиқан бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Фан-таълим ривожланмаса, давлат ривожланмайди. Қанийди, кўп эмас, икки-уч нафар олимимиз оламшумул бир кашфиёт яратишса, давлатга бир дунё фойда келтирарди. Ёки пахта ҳосилдорлигини мамлакат миқёсида бир-икки фоиз ошириш имконияти қўлга киритилса, даромад қанча бўлади? Ёки асалнинг ўзидан тортиб, асалдан ширин меваларимизни ҳўлу-қуруқ қадоқлаб, экспортни кўпайтира олсак қанийди...

Буларнинг ҳаммасига илм керак, уқув керак, ҳисоб-китоб керак, жаҳон бозорининг ҳар бир ҳудудида нимага эҳтиёж борлигини пухта ўрганиш талаб этилади. Ёдга олайлик, кейинги уч йилда Президентимиз ташаббуси билан йиллар қандай, номланди? Ёрқинроқ таассуротга эга бўлиш учун бу номларни ёнма-ён қўямиз:

**2018 йил — «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»**

**2019 йил — «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»**

**2020 йил — «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»**

Қаранг, инновация — янгилик, илғор технологиялар дегани. Президентимиз таъкидлаганидек, янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновацион ғоялар ва технологиялар дегани ҳам фан ютуқлари дегани. Янги ғоялар, янги технологиялар заҳматли илмий изланишлар орқали яратилади.

2020 йилни «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб маррани янада баланд олдик. Бу номланиш маъно-моҳиятида яна бир катта фалсафа мужассам. Яъни илм-фан, техника бўладими, рақамли иқтисодиёт бўладими, жамиятда маърифат ҳам баб-баравар ривожланиши керак. Маърифат ёнида доимо маданият туради.

Президентимиз илм-фан, замонавий технологиялар, инвестициялар ёнига нега «маърифат»ни илгари сургани сабаби ҳақида фикрлаб кўришимиз керак бўлади.

Инсон яхши инженер, врач, архитектор, ўқитувчи ёки ишлаб чиқаришни, ташкилотчиликни қойил қиладиган раҳбар бўлиши мумкин. Уларнинг таржимаи ҳоли яхши, суратлари ҳам келишган, афсуски, дунёқараши, маънавияти қанақалигини билиш қийин. Уларни миясини рентгенга солиб ҳам буни аниқлаб бўлмайди.

Уларга ишонч билдирилиб мансабга қўйилгач, кўп ўтмай «ҳунарларини» кўрсата бошлашади. Ўғирлик, талон-торожлик, коррупция ҳаракатлари сезилиб, кенгайиб, кўпайиб, охири жиноят иши қўзғатилади. Табиийки, маданиятли, маърифатли, маънавиятли раҳбар ҳеч қачон бузуқ йўлга кирмайди, бу йўлдан ҳазар қилади, ўзини асрайди.

Президентимиз мурожаатномасида белгилаб берилган юксак марраларга етиш, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан тезроқ ўрин олиш учун бугун бизга аввало нима керак?

Биринчи навбатда илм-фан сув билан ҳаводек зарур. Буни ривожлантириш жуда ҳам кенг қамровли ишлар бажарилишини талаб этади. Бугун Президентимиз диққат-эътибори ана шу ўта муҳим масалаларга қаратилмоқда.

Аммо Мурожаатномадан кўриниб турибдики, Президентни қийнаётган масалалардан бири — коррупциядир. Бу иллат ҳақида Президентимиз фақат бугун гапираётгани йўқ. Аслида давлат раҳбари бўлган биринчи кунлардан бу касофатга қарши кураш бошлаган эди, коррупцияга қарши алоҳида қонун ҳам қабул қилинди. Табиийки, кураш кучайтирилди, қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2018 йили Олий Мажлисга Мурожаатномада коррупция ҳолатлари ўтган йилга нисбатан 33 фоиз камайгани айтилганди.




Бироқ ҳаммамизга яхши маълумким, коррупция ҳамон кескинлигича турибди, давлатга ва жамиятга катта зиён етказмоқда. Кечаги Мурожаатномада Президент бу хавф-хатарга янада жиддий эътибор қаратди. Катта ташвиш билан гапирди:

**...афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.**

**Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди...**

Қаранг, коррупция ёвуз бало дейилаяпти. Унинг олдини олмасак, ҳеч нарсага эришаолмаймиз, улуғ ниятларимизга етолмаймиз, деб огоҳлантирилмоқда.

Коррупция, дегани нима ўзи? У осмондан тушадими ёки ердан чиқадими? Қулоққа ёқимсиз, хунук эшитиладиган коррупция, деган бало-қазонинг турқи, ранги-рўйи қанақа? У бир олов бўлсаки, сув сепиб ўчирсак, аждарҳо бўлганда ҳам чорасини топиш осон эди. Одам танасида кўриниб турган бир жароҳат бўлса эди, кесиб ташлаб қутилардик. Лекин бу бало кўзга кўринмайдида, шарпаси ҳам сезилмайди, ер тагида илон қимирласа билиш мумкин, лекин коррупция қаердан, кимдан чиқишини олдиндан айтиш қийин. Жуда махфий ҳаракатланади. Лекин бир нарса аниқ: одамлар танасидами, миясидами, юрагидами, бутун вужудидами яшайди. Энг муаммоли томони, бу юқумли касалликка чалинганни — коррупциячини аниқлаш қийин. Дунёда ҳалигача одамнинг кўнглида, миясида нима борлигини аниқлаб берадиган ускуна яратилмаган. Кимни кимлигини билмоқчи бўлсак, тавсифнома сўраймиз. Тавсифнома ёки тавсиянома берганга ҳеч қандай масъулият юкланмаган. Ё таниш-билишчилик қилинади ё мендан нима кетди, ке, бир яхшилик қилай, дейилади.

Тавсифномада «ишчан, ҳалол, ташкилотчи», деб таърифи келтирилган шахс борган жойида бир йилга етар-етмай ўзини бадном қилиб ишдан кетади ёки қамалади. Уни мақтаб тавсия берганлар четда қолиб кетаверади.

Шу тариқа бегоналар, эмас, ўзимиз коррупцияни яратаяпмиз. Бу ҳаром ишларни, ёвуз ишларни ўзимизнинг орамиздагилар қиляпти. Баъзан шунчалик тубанликка боришадики, пора бермайдиган бўлса, бир истеъдодли тадбиркорнинг ажойиб лойиҳаси қўллаб-қувватланмайди, яратиладиган иш ўринлари йўққа чиқади, давлатга тегадиган фойда йўқолади. Бояги очкўз, маърифатсиз, инсофсиз, диёнатсиз раҳбарнинг парвойи палак. Қаердандир ўртага таниш тушиб, тил топишишса, иш бир пастда битади. Ўзимизнинг ҳам бошимиздан ўтган, яхши таклиф билан ҳокимлар ёнига борганимизда худди душманни кутиб олгандек оғриниб кутиб олишган.

Ўтган йиллар давомида порахўрликдан, коррупциядан бир гуруҳ ноҳалол одамлар бойиди. Аммо улар мамлакатга беҳисоб зиён-заҳмат етказишади.

Ўйлаб кўрайлик, Хитой 1 миллиард 400 миллион аҳолисини қандай боқаяпти? Давлат уларни боқмаяпти. Уларга имконият, шароит яратиб бераяпти, одамлар ўзини ўзи боқаяпти. Агар ўтган ўттиз йилда тадбиркорларимиз йўли тўсилмаганда, хорижлик инвесторлар безиб кетмаганда, қўлидан иш келадиган кишилар қўллаб-қувватланганда, Ўзбекистон ҳозирги ҳолатидан уч баробар, эҳтимол ўн баробар ривожланган бўлар эди. Аммо порахўр амалдорлар бунга йўл қўйишмади.

Бугунга келиб, Президентимиз коррупцияга қарши курашни кун тартибига қатъий қўйди. Жумладан шундай деди: **«Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйилган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг олдини олишга ўтишимиз керак.»**

Вазифа шу даражада қаттиқ қўйилаяптики, фақат Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш таклиф этилди.

Бу механизм ўз самарасини беради, албатта. чунки, энди амалдорларнинг жиноятлари Президентдан яширилмайди, силлиқ ахборотлар берилмайди, ҳозирги шароитда биз учун бу орган ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчиман. Коррупцияга қарши курашишга масъул орган таркибига албатта, тажрибали журналистлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Иккинчидан, бу мавзуга Оммавий ахборот воситалари ҳанузгача хотиржамроқ муносабатда бўлиб келмоқда. Юз берган коррупция ҳолатлари ҳақида матбуот ва телевидениеда пишиқ, пухта, таҳлилий материаллар изчил ёритиб борилса, кўпчиликка сабоқ бўлади, деб ўйлайман.

Президентимизнинг яна бир фикри бизни ўйлашга, хулоса чиқаришга ундайди. Аслида кўп бало-қазолар «жони» ана шу масалага боғлиқ.

Қаранг, нима дейилаяпти? **«...жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.»**

Бу фикрни тушиниш ҳам осон, ҳам қийин. «Ҳалоллик вакцинаси», дейилганда нима назарда тутилаяпти? Бу дори дорихоналарда йўқлигини биламиз, уколи ҳам йўқ. Қанийди, бор бўлганида, эҳтимол ҳаммага биттадан укол етарли бўларди.

Айрим касалликларга қарши чақалоқлар турли вакциналар билан эмланади. Бўлди, у ўша хавфли касалга чалинмайди. Бола оилада, мактабда, маҳаллада яхши тарбия олса, унда инсоний фазилатлар мустаҳкамланиб боради.

Коррупция ҳақида кўп баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Яқинда сайлов олди ташвиқотларидан бирида сиёсий партиялардан бирининг раҳбари «Биз коррупцияни бир йилда йўқотамиз», деди. Ният яхши албатта... Бошқа бир баҳсда яна бир партия вакили жазони кучайтириш керак, деди. Тўғри, дунё тажрибасида бундай ҳолатлар бор. Биз ҳам ҳозирги шароитда шундай йўл тутишимиз керакдир. Аммо қўрқитиш, жазолаш билан ҳеч нарсани илдизи билан қуритиб бўлмайди. Коррупция гўё ёввойи ўт, ўсаяпти, сиз ўриб ташлаяпсиз. У яна ўсаверади...

Коррупцияни илдизи билан йўқ қиладиган даво айнан «ҳалоллик вакцинаси»дир. Алишер Навоий бобомиз шундай танбеҳ беради: «Нафсни тобе қилолсанг — одамсан. Акс ҳолда, юз минг киши сенга қарам бўлса ҳам ҳеч қачон одам бўлолмайсан». Абдулла Авлоний «инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир», дейди.

Хитойлик дунёга машҳур донишманд Конфуций шундай, деган экан: Олижаноб инсон мумтоз асарларни кенг ўрганиб, ахлоқ қоидалари билан ўзини жиловласа, у ўз қарашларига асло хиёнат қилмайди».

Демак, яхши китобларни ўқиш кишида яхши фазилатларни тарбиялайди. Ўз халқи ва Ватанига болалигидан меҳр-муҳаббат уйғотади.

Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Ҳаким ат Термизий каби не-не улуғларимиз қолдирган бебаҳо хазиналар — олтин сўзлар, буюк ўгитлар, васиятлар айнан ҳалоллик вакцинасидир. Улар илмли бўлиш, ҳалоллик, мардлик, диёнат, адолат, сабр-қаноат, шукроналик кишига иззат-ҳурмат, бахт-саодат келтиришига кафолат беришади. Ватанни ўйлаган унга ҳеч қачон иснод келтирмайди, ҳаромдан ҳазар қилади. Бировнинг ҳақи буюрмайди, дейишади. Илмсизлик, маърифатсизлик, маънавиятсизлик, онгсизлик, очкўзлик кишини худбин, пасткаш одамга айлантиради.

Бироқ биз бугун қандай китобларни болаларимизга ўқитаётганимизни чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, ўзимиз нимани ўқиётганимизни ҳам.

Коррупция ўз-ўзидан пайдо бўлмаганидек, «ҳалоллик вакцинаси» ҳам бирданига таъсир қилмайди, албатта. Қачонки, болаликдан онгу-шууримизга, юрагимизга сингдириб борилса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланган кишига коррупция яқин йўлай олмайди. Бундай одамлар қалбида мол-дунёга ҳирс эмас, ҳаётга ҳавас, Ватанга муҳаббат яшайди. Улар ўзларининг шахсий ютуқларидан кўра халқининг ютуғидан кўпроқ ғурурланади. Улар қалбида ардоқли, суюкли, ватанпарвар шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг ҳайқириғи яшайди:

*Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк,*
*Қанча шонинг бўлса, Ватанни кўтар...*

**Сафар ОСТОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

> *Коррупция тузоғига илинганлар аввало ўзларини бадном қилишади, айни чоғда оила аъзолари, фарзандлари, ота-оналарининг ҳам юзини ерга қаратиб кетишади. Суриштириб келсангиз, улар пулга муҳтож одамлар бўлмаган, муҳтожликдан пора олмаган. Ўлдим деганининг қўлида унча-мунча одам умрида кўрмаган пул бўлган. Эҳтимол 100-200-500 минг доллар. Нега улар бунга ҳам қаноат қилишмаган? Чунки, улар очкўз, маърифатсиз одамлар, пули кўпайгани сайин кўпайтиргиси келаверади.*

---

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Миллий матбуот марказида «Ўзстандарт» агентлиги раҳбарияти томонидан «Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази (UzTest) тизимида яратилган янгиликлар ва маҳсулотлар сифатини аниқлашда амалиётга жорий этилган ўзгаришлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда «Uztest» марказининг раҳбар ва илмий ходимлари иштирок этди.**

# Маҳсулотлар сифатини назорат қилиш янада кучайтирилди



Президентимизнинг 2019 йил 15 августдаги «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига асосан, 2020 йил 1 январдан «Ўзстандарт» агентлигининг «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси ўрнида «Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази» ўз фаолиятини бошлагани ҳақида маълумотлар берилди.

— Бугунги кунда «UzTest» маркази таркибига кирувчи 16 ҳудудий филиал, 32 синов лаборатория ва 5 та маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюролари, сифат менежмент тизимларини жорий этиш сертификатлаштириш органларида 522 нафар юқори малакали мутахассис фаолият олиб бормоқда, — дейди «UzTest» марказининг директори Ақилбек Мустафоев. — Шунингдек, хорижий молия инсиститутлари гранд маблағлари ҳисобидан лабораторияларни ривожлантириш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2018-2019 йилларда синов лабораторияларини ривожлантириш учун жами 19,3 миллиард сўмлик 218 дона синов ускунаси харид қилинди. Натижада умумий 383 турдаги синов услублари ўзлаштирлди, шундан 171 таси халқаро синов услуби ҳисобланади. Бундан ташқари, ўтган йилда Хитой, Қозоғистон, Россия ва Малайзия давлатларида ишлаб чиқарилган ва мамлакатимиз ҳудудига импорт қилинган 8 турдаги (яшил нўхот, консерваланган балиқ, қўзиқорин, палма ёғи, кукуруза ва шина маҳсулотлари 436 тонна, 792750 дона) 5,6 миллиард сўмлик маҳсулотлар меъёрий ҳужжат талабларига номувофиқ деб топилди ва Давлат божхона қўмитасига маълумот киритилди. Натижада сифатсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотларининг республикамизнинг ички бозорларида реализация қилинишининг олди олинди.

Яна шуни маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирда зарур ҳисобланган электротехника ва автотранспорт хавфсизлик параметрлари ва электромагнит мослашувчанлик бўйича тўла баҳолашни таъминлайдиган синов базасини ташкил этиш юзасидан Чехиянинг «EXPORTA» компанияси билан ҳамкорликда лаборатория ташкил этиш юзасидан 4,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги халқаро банк кредитларини ўзлаштириш бўйича шартнома имзоланиб, Тошкент вилоятининг Пискент туманида лаборатория қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Бу лаборатория жорий йилнинг август ойида фойдаланишга топширилади.

Анжуманда «UzTest» марказини ташкил этишдан асосий мақсадлардан бири — маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнларида бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари ташкил этиш орқали тадбиркорларга қулай шароит яратиш, экспорт ҳажмини оширишдан иборат эканлиги таъкидланди. Шунингдек, бунда асосан республикамиздаги барча божхона постларида малакали мутахассисларни бириктирган ҳолда, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини ташкил этиш орқали қатор ишлар амалга оширилганлиги ҳақида ҳам маълумот берилди.

Бундан ташқари, марказ қошида фаолият юритаётган синов лабораторияларининг 13 таси халқаро даражада аккеридитациядан ўтган бўлиб, ушбу лабораториялар томонидан расмийлаштирилган синов баённомалари асосида маҳсулотларни МДҲ давлатларига экспорт қилиш имкониятига эга.

МДҲ давлатларидан ташқари, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, сифатли маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишда Франциянинг «BUREAU VERITAS INTERNATIONAL S.A.S.» компанияси, Грециянинг «Q-CERT» компанияси, Хитойнинг «Нанкин бозорини тартибга солиш Давлат Бошқармаси» ва Жанубий Кореянинг «Si Resource Co. Ltd» ҳамда «Hydrogen Power Co Ltd» компаниялари билан ҳамкорлик келишувлари ва меморандумлар тузилган.

Шунингдек, тадбирда бугунги кунда марказ қошида бир турдаги, жумладан, озиқ-овқат ва косметика, машинасозлик ва оғир саноати, юқори ва паст кучланишли электротехника маҳсулотлари, кимё ва полимер, қурилиш ҳамда енгил саноат маҳсулотларини сертификатлаштириш органлари ташкил этиш мақсадида тегишли ишлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

**Чўлпоной АХМЕДОВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.**

***Дунёда қуён гўштига талаб йилига ўрта ҳисобда 25 фоизга, айрим мамлакатларда 70 фоизгача ўсиб бормоқда.***

# «СОҲАНИ САНОАТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШИМИЗ КЕРАК ...»

## *Ҳақиқатан ҳам, деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда, қуёнчилик қирқ кунда даромад келтирадими?*

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

**Болаликдан қуёнга меҳримиз бошқача. Мунчоқдай кўзларининг жовдираб туриши, чаққонлиги, мўйнасининг майинлиги жажжи қалбларни сеҳрлайди. Кўплаб мультфильмларда ва айниқса, «Ҳа, сеними, шошмай тур!» сериалидаги топқир ва қувноқ Қуёнчанинг Бўрини доимо доғда қолдириши болаларда яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч уйғотади...**



**Қуён боқиш ҳақида гап кетганда эса аксар ҳолда «Ажойиб хаёлпараст» бадиий фильмидаги воқеалар эсланади. Фильм бош қаҳрамони Ҳасаннинг асл касби шифокор бўлса-да, қуён боқиш ортидан хаёлан катта орзуларга эришишни истайди. Аслида унинг орзулари орзулигича қолади, қайтанга ён-атрофдагилар унинг бу юмушига «ақлли одамнинг иши эмас» деган қабилда муносабатда бўлишади. Фильм ўтган асрнинг 70-йиллари охирида суратга олинганини ёдга олсак, унда ўша даврга хос хусусиятлар ўз ифодасини топганлиги ҳам табиий ҳол.**

**Айни кезда эса биз бутунлай янги жамиятда, янги тизимда яшаяпмиз. Мақсад-марралар одамларнинг яхши яшашига, орзу-умидлари ушалишига қаратилган. Қатъиятли, касбига ошуфта, унинг нуфузи ва даромадини оширишга сидқидилдан бел боғлаган ишбилармонлар ҳар бир жабҳада, шу жумладан, қуёнчилик соҳаси учун ҳам жуда зарур. Чунки, уни ривожлантириш мақсадида давлат миқёсида чора-тадбирлар кўриляпти, ихтисослашган уюшмалар, хизмат кўрсатиш марказлари тузиляпти. Табиийки, улар зиммасига юклатилган вазифалар ижроси ҳам шунга яраша бўлиши керак.**

**Яқинда «Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари» Ассоциацияси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилди. Ассоциация бошқаруви раиси Абдураззоқ ИБРОҲИМОВ билан суҳбатимиз қуёнчиликнинг фойдали жиҳатлари, сердаромадлиги омиллари, соҳани ривожлантиришнинг истиқбол имкониятлари ва уларни ишга солишда Ассоциация олдида турган вазифаларга қаратилди.**

**– Ассоциация тузилиши билан мамлакатимизда қуёнчиликни ривожлантиришга йўналтирилган Ассоциациялар иккита бўлди. Улар фаолияти қай жиҳатлари билан фарқланади? Янги тузилма ўз олдига қандай вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўйган ?**

– Ассоциацияни ташкил этишдан мақсад – биринчи навбатда, мамлакатимиздаги қуёнчилик хўжаликларини бирлаштирган ҳолда мазкур соҳани янада ривожлантириш, халқимиз дастурхонида парҳезбоп, сифатли, арзон гўшт маҳсулотларининг ҳажми ва турларини кўпайтиришга қаратилган. Бунга эришиш учун илғор тажриба ва инновацион технологияларни татбиқ этиш, хорижий шериклар билан ҳамкорликда замонавий қуёнчилик хўжаликларини ташкил қилиш, шу билан бирга, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишимиз зарур бўлади. Бир сўз билан айтганда, соҳани саноат даражасига кўтаришимиз керак. Бу борада биз тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда иш олиб борамиз. Бунинг натижасида эса ҳудудларда, энг аввало, чекка қишлоқларда кўплаб янги иш ўринлари юзага келади.

Ассоциациямиздан бироз олдинроқ иш бошлаган «Наслли қуён етиштирувчилар» Ассоциацияси фаолиятида ўз номидан келиб чиққан ҳолда насличиликни тараққий эттириш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги вазифалар устуворлик қилади. Икки Ассоциациянинг ҳам асосий мақсади битта, у ҳам бўлса, мамлакатимизда қуёнчилик соҳасини ривожлантиришга, уни сердаромад соҳага айлантиришга кўмаклашишдан иборат.

**– Охирги уч-тўрт йилга қадар қуёнчиликни ривожлантиришга қаратилган бирон-бир муҳим ҳужжат қабул қилингани ёки тадбир ўтказилганини эслаш мушкул. Шу жиҳатдан олганда, кейинги пайтда қуёнчиликни тараққий эттириш чоралари ҳудудий дастурлардан ўрин олгани, банклар томонидан миллиардлаб сўмлик кредитлар берилаётгани, селекция – генетика маркази ташкил этилгани алоҳида эътирофга лойиқ. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қуёнчилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди...**

– Ҳақиқатан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги уч йилда чорвачиликнинг бошқа соҳалари каби қуёнчиликка бўлган эътибор ҳам, моддий қўллаб-қувватлаш ҳам тубдан ўзгарди. 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши бунга ёрқин мисол бўла олади. Биргина «Микрокредитбанк» томонидан ўтган давр мобайнида юридик ва жисмоний шахслардан иборат қуёнчилик хўжаликларига 68,3 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Биз кўрсатилаётган бундай катта эътиборни амалий ишимиз, қўшган ҳиссамиз билан оқлашимиз зарур. Олдинда турган ишлар кўлами эса жуда катта. Хусусан, Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган 2019 йилнинг 13 ноябрь куни чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида қуёнчилик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилиб, уни саноат усулида боқишни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди, Чунки, ҳисоб-китобларга кўра, наслли қуённи табиий усулда бир йилда 5 марта (5-6 та бола), саноат усулида эса 7 мартагача (6-8 та) кўпайтириш мумкин.

Шундан кейин кўп ўтмай, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада қуёнчилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. Муҳокамалар давомида ҳужжатда белгиланган бир қатор бандлар янада такомиллашиши, айримлари ўзгариши мумкин. Лекин шунга қарамай, ундан ўрин олган чора-тадбирларнинг ўзи соҳамиз вакилларини беҳад мамнун этмоқда. Негаки, унда бизни анчадан буён ўйлантириб келаётган қатор муаммолар ўз ечимини топмоқда, янги имкониятларни ишга солиш ҳозирлигини кўришга ундамоқда. Бир мисол, қарор лойиҳасида шифохона ва шифо масканлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ҳамда ҳарбий қисмларда истеъмол қилинадиган маҳсулотлар таркибига парҳез ва фойдали қуён гўштини 10 фоизгача қўшиш, мазкур миқдор учун маблағ ажратилиши давлат бюджетидан молиялаштирилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қуёнчилик билан шуғулланувчи субъектларга саноат усулида қуён парваришлашни йўлга қўйишлари учун ер майдонлари ажратиш белгиланмоқда.

Очиғини айтиш керак, қарор лойиҳасида белгиланган чораларни бажариш осон кечмайди. Қисқа фурсатда қуёнлар сонини миллионлаб бошга ошириш, минглаб тонна сифатли гўшт етиштириш учун бошқарув тизимини тубдан ўзгартириб, инновацион лойиҳа ва технологияларни жадал ўзлаштириш, саноат усулида қуён боқувчи хўжаликларни ҳар бир ҳудудда ташкил этиш, хорижнинг энг илғор тажрибаларини жорий этиш учун енг шимариб ишлаш керак бўлади. Ўз навбатида бу вазифаларни амалга ошириш юзлаб малакали мутахассисларга, минг-минглаб ишчи-ходимларга эҳтиёж туғдиради.

**– Хорижнинг илғор тажрибаларини жорий этиш зарурлигини қайд этдингиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда дунёда қуёнчилик соҳаси қандай ривожланмоқда? Уларнинг қайси жиҳатларини юртимизда татбиқ этиш яхши самара беради?**

– Халқаро стандартларга назар ташлайдиган бўлсак, инсон организми соғломлиги учун бир йилда 90 килограммгача гўшт истеъмол қилиши, шунинг камида 5 фоизи қуён гўшти бўлиши зарурлиги қайд этилади. Дунёда қуён гўштига талаб йилига ўрта ҳисобда 25 фоизга, айрим мамлакатларда 70 фоизгача ўсиб бормоқда. Бунинг боиси нимада? Асосий сабаб — қуён гўштининг экологик жиҳатдан тозалиги ва парҳезбоплигидир. Масалан, Италияда ресурслар чекланганига қарамасдан бир йилда 300 минг тонна қуён гўшти етиштирилади. Лекин унинг бирон тоннаси чет элга экспорт қилинмайди. Нега? Чунки, ички бозорни таъминлашга етмайди.

Ассоциациямиз вакиллари яқинда Россияда бўлишди. Қуёнчилик билан бевосита шуғулланувчи ташкилот, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари билан ўтказилган учрашувлар самарали кечди ва бир қатор келишувларга эришдик. Бундан кўзда тутилган мақсад — уларнинг иннновацион ишланмаларини юртимизда татбиқ этиш ва бу борадаги ишларни бошлаб юбордик.

**– Тажрибали тадбиркорлар билан суҳбатда соҳа ҳақида гап кетганда, «деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда, қуёнчилик қирқ кунда даромад келтиради», деган фикрни қайд этишни хуш кўришади. Албатта, бу фикрда халқимизнинг ҳазил-мутойибага мойиллигига хос бироз бўрттириш сезилиб туради. Аслида ҳам қуёнчилик шунчалик фойдали ва сердаромад соҳами?**

– Аслида бу иборада қуёчиликка нисбатан олганда ҳеч бир муболаға йўқ, дейиш мумкин. Чунки, уй ҳайвонлари орасида қуён энг тез етилади. Агар туғилган бузоқча ўз вазнини 47 кунда икки баробарга оширса, қуён боласи бундай натижага 6 кунда эришади. Бир ойлигида қуёнчанинг вазни тахминан 10 баробарга ошади. Тез етилувчан қуён зотларининг эмизикли болалари тўғри боқилса, ўсиш жадаллиги жиҳатдан гўштга боқиладиган жўжалардан ҳам ўзиб кетади.

Яна бир жиҳати, битта қуён йил давомида табиий уй шароитида беш марта, ҳар сафар минимум беш-олтитадан болалайди. Бу ўттизтага кўпайди, дегани. Яна бир томони, йил бошида туғилган қуёнчалар йил охирига келиб, ўзлари ҳам болалайди. Хуллас, шу вақт ичида қуёнлар сони қарийб 140 тага етиб, 300 килограммгача гўшт олиш имконияти вужудга келади. Қуён гўшти ички бозоримизда ўртача 40 минг сўм, жаҳон бозорида эса 5-6 доллар туришини, унинг мўйнасига ҳам талаб юқорилигини инобатга олсак, сердаромад соҳа эканлигига амин бўламиз.

Қуённинг 1 килограмм момиғидан 2000 метр сифатли ип олиш мумкин. У иссиқликни сақлаш хусусиятига кўра, қўй жунидан ўн баобар ортиқ бўлгани ҳолда тўқимачилик, духоба ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда ҳам ишлатилади.

Тиббий томондан олганда, қуён зардобидан олинадиган 59 турдаги дори-дармонлар ошқозон-ичак, меъда, ўт-пуфак, жигар, саратон каби хасталикларни даволашда ўта самарали ва қиммат восита ҳисобланади, миясидан олинадиган кукуннинг эса ҳар бир килограмми жаҳон бозорида 30 000 АҚШ доллари қийматида баҳоланади. Қуён ёғи ҳам экологик тоза маҳсулот сифатида косметология ва фармацевтикада ҳам фойдаланиш мумкин.

**– Буюк мутафаккир бобомиз Бурҳонуддин Марғинонийнинг бундан тўққиз аср олдин яратилган «Ҳидоя» асарида Пайғамбаримиз с.а.в-га қизартириб пиширилган қуён гўшти берилганида ундан еганлари ва саҳобаларга ҳам ейишни айтганлари келтирилади, у кийик гўштига қиёсланади. Қуён гўштининг инсон организми учун яна қандай фойдали хусусиятлари бор?**

– Мутахассисларнинг фикрича, унинг таркибида ёғ ва холестерин моддаси жуда кам. Инсон организмида тез ҳазм бўлади ва тўлақонли оқсил моддасига эҳтиёжи юқори бўлган мактабгача ёшдаги болалар, ўсмирлар, эмизикли аёллар, кекса ёшдагилар учун жуда фойдалидир. Масалан, истеъмол қилинган 100 грамм қорамол гўштининг 62 фоизигина организмимизда ҳазм бўлса, бу кўрсаткич қуён гўштида 90 фоизни, холестирин миқдори қўй ёғи таркибида 1,40 граммни, қуённикида эса, атиги 0,4 граммни ташкил этади.

**– Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда бугунга келиб 1 минг 250 та қуёнчилик фермаси мавжуд, саноат усулида 500 минг бош қуён боқилади. Албатта, бу миқдор жуда кам, ўсиб бораётган талабни таъминлаш учун соҳа фаолиятини тубдан ўзгартиришни, инновацион ва самарадор лойиҳаларни жадал амалга оширишни тақозо этади. Шундай бир кезда «Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари» ассоциацияси қандай мақсадларни кўзлаб иш олиб бораяпти?**

– Ассоциациямиз томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган 2020-2024 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Ана шу вақт мобайнида республикамиз ҳудудларида 7 та кластер ташкил этилади. Уларда бир миллионга яқин зотдор урғочи қуёнлар парваришлаш, 300000 тоннадан ортиқ омихта ем ишлаб чиқаришдан тортиб, йилига 28, 5 минг тонна сифатли қуён гўшти ва 38 миллион дона консерва тайёрловчи замонавий мажмуаларни қамраб олади. Мазкур мажмуаларнинг ўзида қуён териси, мўйнаси, момиғи, зардоби ва бошқа маҳсулотларни чуқур қайта ишловчи ҳамда экспортга йўналтирувчи корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ҳам кўзда тутилган. Уларнинг экспорт салоҳияти беш йил мобайнида 650 миллион долларга етиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, кластерлар атрофида шартнома билан ишловчи 45000 та шахсий томорқа хўжаликлари ташкил этилиши ва бунинг натижасида минглаб янги иш ўринлари юзага келтирилиши ҳам белгилаб олинган. Дастурнинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида жами 8 трилион 156 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, жами солиқлар ҳисобидан бир триллион 970 миллиард сўмлик тушум тушиши мумкин бўлади.

**Суҳбатдош:**
**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

---

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# Аҳолига қулай омонатлар

**АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ўтказилган “Банк омонатлари – қўшимча даромад манбаи” мавзусидаги матбуот анжумани қатнашчилари омонатлар ва омонатчилар билан ишлаш йўналишида эришилаётган натижалар, жорий қилинаётган янги хизматлар ва истиқболдаги режалар билан танишдилар.**

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси ўринбосари Фарҳод Ғофуров томонидан банкнинг омонат сиёсати мазмун-моҳияти ва аҳамияти, бу борада мижозлар сонини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва аҳолининг иқтисодий фаоллиги, турмуш фаровонлигини оширишда омонат хизматидан фойдаланишнинг афзаллиги, қулайлиги каби масалалар бўйича атрофлича маълумот берилди.

Таъкидлаш керакки, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” аҳолининг бўш пул маблағларидан янада самарали фойдаланишлари учун омонатларга доир банк хизматларини мунтазам равишда такомиллаштириб бормоқда. Натижада 2019 йил якунида жами омонатчилар сони 110 844 тага етиб, йил бошига нисбатан 12 минг нафарга ортди, омонатлардаги маблағларнинг қолдиғи йил бошидаги 545,0 миллиард сўмдан йил якунида 645,0 миллиард сўмга етди ёки 100,0 миллиард сўмга ортишига эришилди.

Матбуот анжуманида мижозларга яратилаётган қулайликлар ва татбиқ қилинаётган замонавий хизматлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

“Қишлоқ қурилиш банк”тизимида жисмоний шахсларнинг вақтини тежаш ва омонатчилар билан масофавий муносабатларни ривожлантириш мақсадида “Depozit banking”мобил дастури жорий қилинган. Мазкур дастур банк омонатчилари – жисмоний шахсларнинг ўз депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлари доирасида нақдсиз амалиётларни мижозларнинг ўзлари банк муассасаларига келмасдан шахсий мобиль телефонлари орқали бажариш ва ўз омонатлари бўйича маълумот олиш имконини беради. Эътиборлиси, мазкур операцияларни амалга оширишда “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида ишончли хавфсизлик билан кафолатланади.

Шу билан бирга, банкда фуқароларнинг омонатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, омонатлар билан боғлиқ операцияларни мижозларнинг иштирокисиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида, шахснинг бармоқ излари намунасидан фойдаланиш “Биометрик идентификациялаш” тизими ҳам амалга киритилган.

“Биометрик идентификациялаш” бугунги кунда энг ишончли усуллардан бири ҳисобланиб, қатор афзалликларга эга. Хусусан, омонат ҳисоб варақларидаги маблағлар билан боғлиқ барча операцияларни омонат эгаси бўлган мижознинг бевосита иштирокисиз амалга ошириш имкони бўлмайди, омонат маблағларига нисбатан банк ходимларининг дахлсизлиги таъминланади.

Тадбирда банк масъул ходимлари 2020 йил давомида кўзда тутилаётган режалар ҳақида ҳам ахборот бердилар. Жумладан, жорий йилда омонат дафтарчалари ўрнида банк депозит картасини жорий қилиш каби лойиҳалар режалаштирилган. Бу орқали омонатга маблағ қабул қилиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш вақтини икки бараварга қисқартиришга эришилади. Шунингдек, “Янги мақсад”, “Мақсад сари” ва “Ипотекага бошланғич бадал” омонат турлари жорий қилиниши ҳам кўзда тутилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Алишер РЎЗИЕВ**

---

БИЛАСИЗМИ?

## ЧЕМПИОНЛАР

*ОТМларга синовларсиз қабул қилинади*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, мактаблар, ОТМлар камида биттадан устувор, истиқболдаги, ривожланаётган, шу жумладан, миллий спорт турларига ихтисослаштирилади.

2020 йил 1 февралдан:

— Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охирги уч йилда ғолиб ва совриндор (1-3 ўрин) бўлган спортчи-ўқувчилар бюджетдан молиялаштириладиган ОТМларга (тиббиёт йўналишидан ташқари) қўшимча давлат гранти асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилинади;

— “Болалар спорт ўйинлари”нинг жамоавий ўйин турлари бўйича республика босқичи:

— ғолибларига (1-ўрин) ОТМларга кириш имтиҳонларида соҳа бўйича мутахассислик фанидан максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи, 3 йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинади;

— ғолиб ва совриндорларни (1-3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари 1-ўрин учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг – 6 баравари, 2-ўрин учун – 4 баравари, 3-ўрин учун – 3 баравари миқдорида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади;

— мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия фан олимпиадасининг ғолиб ва совриндорларини (1-3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт таълим муассасаларининг тренерлари малака аттестациясига жалб этилмасдан, уларга тегишли малака тоифалари тўғридан-тўғри берилади;

— олимпия спорт турлари бўйича республика (1-ўрин) ва халқаро мусобақаларда ғолиб чиққан ОТМ талабаларини тайёрлаган жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги кафедралар ўқитувчиларига навбатдаги илмий унвонлар (доцент, профессор) тўғридан-тўғри берилади.

## ДОНОРГА

*қўшимча дам олиш куни берилади*



Қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган куни донор ана шу кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинади.

Донорга ҳар сафар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган куннинг бевосита эртасига дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бир кун берилади. Донорнинг хоҳишига кўра мазкур дам олиш куни ҳар йилги меҳнат таътилига қўшиб берилиши мумкин.

Қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ҳамда бепул топширувчи донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланади ва БҲМнинг 5 баравари миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти олади.

## ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА ИШЛОВЧИ ШАХСЛАРГА

*ҳар йилги меҳнат таътили асосий иш жойидаги билан бир вақтда берилади*

Ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий, шунингдек, ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча таътиллар асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади.

Агар ўриндошлик асосида ишлашнинг биринчи иш йилида ходим олти ойдан кам ишлаган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги ишда таътил учун ишланган вақтга пропорционал ҳақ тўланади.

Биринчи иш йилида олти ой ишлаган ўриндошларнинг меҳнат таътилига, шунингдек, ишнинг кейинги йиллари учун меҳнат таътилига ўриндошлик асосидаги ишнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда одатдаги тартибда ҳақ тўланади.

## 4 СОТИХДАН КАМ БЎЛМАГАН

*томорқа ерида банд бўлган аҳолига меҳнат стажи қўшилади*

Деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахслар томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилига БҲМнинг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади.

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги “Huquqiy axborot” канали.**

«Нуроний» жамғармаси Бойсун туман бўлими меҳнат фахрийси

**Тўрақул ҲАМРОЕ**Внинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Мен ўзбек ёшлари корейс тилини янада кўпроқ ўрганишларини истайман.*



Пек Мин Ҳён, KOICA волонтёри:

# «Оила таълими нима?»

**2019 йилда Жанубий Корея Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мазкур мамлакатнинг «KBS» телеканали томонидан Корея халқи маданияти ва тарихи бўйича. ўтказилган «Quiz on Korea — 2019» халқаро танловда Ўзбекистон, Германия, Англия, Португалия, Россия ва Туркия каби 20 давлатдан 30 ёшгача бўлган кўплаб йигит-қизлар иштирок этди. Унда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети филология факультети 3-курс талабаси Ҳамида Қаҳрамонова мутлақ ғолибликни қўлга киритди.**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети филология факультетида корейс тили йўналишида таҳсил олаётган талабалар интерфаол усуллар воситасида тил ўрганадилар. Талаба мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ҳамда ундан эркин фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи баҳоловчи сифатида эмас, балки бирор-бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи сифатида намоён бўлади.

Дарҳақиқат Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 1995 йилдан буён корейс тили иккинчи чет тили сифатида ўқитиб келинади. Шу боис, Жанубий Кореянинг бир қатор университетлари, хусусан, Сеул миллий педагогика университети, Чунг-Анг, Жонгбу, Сунчон, Чоннам, Пусан чет тиллари университетлари билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб филология факультетида корейс тили йўналиши алоҳида мутахассислик сифатида очилди ва бу ерда корейс тилини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жанубий Кореянинг KOICA халқаро ташкилоти томонидан жалб қилинган волонтёр ўқитувчилар – Парк Ёнг Ин, Пек Минхён ҳамда мутахассислар – Пек Ким Нан, Соль Вон Те, Жонгбу университети амалиётчиси Ким Дэа Ёнг сингари волонтёр профессор-ўқитувчилар, шунингдек, Дилрабо Пўлатова, Паризод Азимова, Ғуломжон Ёқубов, Кўпайсин Жўраева сингари иқтидорли ўқитувчилар талабаларга таълим бермоқда.

– Бизда талабалар корейс тилини мукаммал ўрганиши учун барча имкониятлар муҳайё, – дейди факультет декани, филология фанлари номзоди, доцент Севара Зиёева. – Иккинчи чет тили фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланилади. Машғулотларда аудио-видео воситалари ҳамда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказилади. Ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, коммуникатив мулоқот сингари интерфаол усуллардан самарали фойдаланилади.

Университетда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда KOICA халқаро ташкилоти томонидан ҳомийлик асосида корейс тилини ўрганишга мослаштирилган ўқув хоналари энг сўнгги ва замонавий технологиялар билан жиҳозланган ва Корея Республикасида чоп этилган ўқув адабиётлари билан таъминланган. Ҳозир маҳаллий корейс тили профессор-ўқитувчилари томонидан KOICA халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда "Корейс тили дарслиги"нинг 1-ва 2-қисми жамланиб, нашрга тайёрланди. "Ўзбек халқ эртаклари" китоби корейс тилига таржима қилинди. Шунингдек, KOICA халқаро ташкилоти ҳомийлигида замонавий синхрон таржимага мослаштирилган хона ҳамда барча қулайликларга эга бўлган корейс тили маркази ташкил этилди.

Университетда фаолият кўрсатаётган корейс тили профессор-ўқитувчилари KOICA халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган малака ошириш дастурларида қатнашиб, Корея Республикасининг нуфузли олий таълим муассасаларида малака ошириб келмоқдалар. KOICA халқаро ташкилоти томонидан талабалар учун мўлжалланган дастурларда ЎзДЖТУ талабалари ҳам фаол иштирок этиб, Жанубий Корея Республикасининг нуфузли ОТМлари бир йиллик курсларнинг грантларини қўлга киритмоқда. Ҳозирги кунда Жаҳонгир Ёқубов, Элёр Қодиров, Ибратбек Ҳожиев, Нилуфар Абдуллаева, Абдулазиз Ҳасанов каби битирувчилар ҳам Жанубий Кореяда магистратура ва докторантура босқичларида ўқишни давом эттирмоқда.

> Жанубий Кореяда фарзандларга оила таълимини бера олмайдиган ҳолатлар кўп учрайди. Ўзбекистонда оила таълими, мактаб таълими, шунингдек, жамият таълими ўз-ўзидан бирикиб кетганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

– Корея билан ўзбек маданияти ўртасида катта оила тизими, ёши катталарни ҳурмат қилиш маданияти сингари ўхшаш томонлар анчагина, – дейди KOICA волонтёри Пек Мин Ҳён. – Бироқ Жанубий Кореяда саноат ривожланиб бораётгани туфайли, маданият бироз оқсаган. Ўзбекистон эса ўз маданиятини сақлаб келмоқда.

Жанубий Кореяда фарзандларга оила таълимини бера олмайдиган ҳолатлар кўп учрайди. Ўзбекистонда оила таълими, мактаб таълими, шунингдек, жамият таълими ўз-ўзидан бирикиб кетганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шунинг учун таълим тизими турли хил бўлгани боис, унга мос келадиган усулни қидириб топиш керак. Масалан, "Дастурхон атрофидаги таълим" дегани – бу ота-она билан бирга таом тановул қилиб, шу жойда ота-онадан оладиган оила таълимига айтилади. Бу ҳам биз учун жуда қувонарли ҳол, албатта. Қолаверса, ўзбек талабалари жуда тарбияли. Устозларни ҳурмат қилиши ўзига хос, дўстларнинг бир-бирига меҳри баланд. Шу жиҳати ҳам менга ёқади.

– Мен Кореяда ўзбекистонлик талабаларнинг корейс тилини қизиқиш билан ўрганишларини кўриб, Ўзбекистонга келишни мақсад қилгандим, – дейди Жанубий Корея Жонгбу университети ўқитувчиси Ким Де Ёнг. – Мени қувонтиргани шуки, ўзбек талабалари корейс тилини астойдил қизиқиб ўрганади. Улар ижтимоий тармоқлар орқали менга ўзларини қизиқтирган саволларини беришади, мен бажонидил жавоб қайтараман. Мен ўзбек ёшлари корейс тилини янада кўпроқ ўрганишларини истайман.

**Анвар ҚОБИЛОВ,**
**журналист.**

## Ўзбекистон миллий университетида

**Учтепа тумани тарихига бағишланган "Учтепа" китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**




— Учтепа тумани тарихи ҳақида китоб ёзиш тўғрисидаги таклиф кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди, — дейди мазкур асар муҳаррири, «Катта қаъни»маҳалласи "Нуроний" кенгаши раиси Эргаш Холқосимов. —Учтепанинг маъноси, туманнинг географик жойлашуви, аҳолиси, ҳудуди, ариқ-сув, боғларию ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли маълумотларни тўплашда олиму фузалоларни жалб этишга тўғри келди.Лекин хайрли ишга қўл урилганиданми кўнгил тўқ эди. Зеро, катта ҳажмдаги, қарийб минг бетли китобни шакллантиришда муаллифлар Покиза ва Миркарим Мирсовуровлар астойдил ғайрат кўрсатишди.

— "Учтепа" китоби "Фан ва технология" нашриётида чоп этилди, — дейди Учтепа тумани ҳокими ўринбосари Мактуба Орипова, — Маърифий-ижтимоий бу асарда мазкур масканга оид энг қизиқарли, ҳеч кимнинг эсига келмаган икир-чикирларни ҳам қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Хусусан, аҳолимиз фахри ҳисобланган қаҳрамонлар, олимлар, фан арбоблари, ёзувчи-шоирлар, турли касб эгалари ҳақидаги бадиий очерклар, ҳар-хил жойлар, тарихий қурилмалар тўғрисидаги мақолалар ўқувчида қизиқиш уйғотиши табиий. Рангли суратлар билан бойитилган китобда шунингдек, атамалар маъноси ҳам ўрин олган.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**филология фанлари**
**номзоди.**

# «Асака» банки

## *журналистлар учун медиа-тур ташкил этди*

**Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашмаслик борасида жиддий чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, соҳага масъул идора ва ташкилотлар уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга жалб этилмоқда. Бу борада республикамизда фаолият кўрсатаётган молия муассасалари ҳам уларнинг ишончли ҳамкорига айланмоқда. Шу боис, эндиликда тадбиркорларимиз ўзларининг ишончини қозонган, зарур бўлганда молиявий жиҳатдан доимо қўллаб-қувватлашга тайёр банклар хизматидан қийинчиликсиз фойдаланиб келмоқда.**

Мамлакатимиздаги салоҳиятли молия муассасаларидан бири — «Асака» банки ўз мижозлари билан ана шу тамойиллар асосида ҳамкорлик қилади.

Яқинда банк томонидан Самарқанд шаҳрига уюштирилган медиа-тур давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари «Асака» банкининг мижози бўлган ва ишончли ҳамкорга айланган тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишди.

### «SAG» ГИЛАМЛАРИНИ БУГУН НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ, БАЛКИ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА

Дастлабки манзил «SAM ANTEP GILAM» масъулияти чекланган жамияти бўлди.

— Корхонамиз томонидан маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш мақсадида айни пайтда «Асака» банки ёрдамида иккита лойиҳа амалга оширилиб, бунинг учун 4,5 миллион евро миқдорида кредит ажратилган, — дейди жамиятнинг молиявий масалалар бўйича менежери Бекзод Бегматов. — Бундан йигирма йил аввал фаолият бошлаган мазкур корхонамиз гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Дастлаб хориждан келтирилган саноқлигина гилам тўқиш ускунаси билан иш бошлаган корхонада айни пайтда Германия, Франция, Швейцария, Австрия, Италия, Бельгия, Голландия, Испания, Туркия ва Хитойдан келтирилган энг сўнгги русумдаги замонавий дастгоҳлар, асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Улар ёрдамида полипропилен ип калаваси ва 200 дан зиёд дизайндаги 50 турдан ортиқ гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, айни пайтда бу ерда йиллига 8,5 миллион квадрат метр ёки 240 миллиард сўмлик гилам тайёрланяпти. Юртимизнинг барча ҳудудларида ўз савдо нуқталарига эга жамиятнинг Россия, Қозоғистон, Озарбайжонда ҳам савдо уйлари мавжуд. «SAG» гиламлари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Грузия, Украина, Арманистон, Афғонистон, Хитой ва АҚШ давлатларида ўз харидорларига эга. Шу боис ҳар йили 14 миллион АҚШ доллари ёки 3,1 миллион квадрат метр маҳсулот хорижга экспорт қилинмоқда.

Аслини олганда, «SAM ANTEP GILAM» масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунда минг нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланган. Иш уч навбатда ташкил этилган корхонада ходимларнинг қулай ва хавфсиз меҳнат шароитида ишлаши учун замон талабларига мос шароит яратилган. Ишчилар учун махсус транспорт, иссиқ овқат, тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

### МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ИЧКИ БОЗОРДА СОТИЛАЁТГАН БЎЛСА-ДА, ХОРИЖДАН ҲАМ БУЮРТМАЛАР ТУШМОҚДА.

Иккинчи манзил — «TUFT AND GRASS» масъулият чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада бўлдик.

Самарқанд шаҳридаги «TUFT AND GRASS» масъулият чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ҳам «Асака» банкининг ишончли ва истиқболли мижозларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда корхонада 400 нафарга яқин ишчи меҳнат қилаяпти. Яқин келажакда янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун «Асака» банки томонидан 1,9 миллион евро миқдорида кредит ажратилган.

— 2017 йил февраль ойида фаолият бошлаган корхонамиз сунъий чим ва ковролан маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади, – дейди жамият савдо бўлими масъул ходими Ҳаётхон Ҳасанхонов. – Қисқа вақт ичида ички бозорда ўз ўрнимизни топиб, ҳозирда 15 турдан зиёд сунъий чим ва ковролин, полиэстр ип калаваси, бирламчи синтетик асос ва нотўқма мато (иккиламчи ковролин ва сунъий чим асоси) ишлаб чиқараяпмиз. Корхонамизнинг йиллик қуввати 2,5 миллион квадрат метр ёки 26 миллиард сўмлик сунъий чим ва ковролин маҳсулотларини ташкил этади. Ишлаб чиқаришда Англия, Бельгия, Швейцария, Хитой, Германия ва Туркия давлатларидан келтирилган янги технологияли замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Жумладан, SSM ускунаси дунёда саноқли ҳисобланади. Бу ускуна ёрдамида иккиламчи маҳсулот, яъни елим идишлар (баклажка) қайта ишланиб, ундан полиэстр ип калаваси тайёрланади. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми ички бозорда сотилаётган бўлса-да, хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда. Жорий йилдан бошлаб ковролин маҳсулотларини кенг миқёсда экспортга чиқариш режалаштирилган.

Бундан ташқари, корхонага ўтган йил Бельгиядан иккита замонавий дастгоҳ келтирилиб, мебель маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмлари, кўрпача учун зарур бахмал (вильвит)мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамият масъулларининг айтишича, шу пайтгача бу турдаги маҳсулот хориждан келтирилган. Ҳозирда 100 хилдан зиёд дизайндаги ушбу маҳсулотга ички бозорда талаб юқори. Айниқса, мебель ишлаб чиқариш корхоналаридан катта миқдорда буюртмалар келиб тушмоқда.

### ПАХТА КЛАСТЕРИ — ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Учинчи сафар «SAMARKAND EURO ASIA TEXTILE» масъулияти чекланган жамиятига бўлди.

Аслида «SAMARKAND EURO ASIA TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти асосан эркаклар, болалар кўйлаклари, шунингдек чойшаб ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

— «Асака» банки томонидан 39,7 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Шуҳрат Мақсудов. — Шунинг ҳисобидан бугунги кунда хориждан замонавий технологиялар келтирилиб, халқаро стандртларга мос маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Ҳозирда 300 нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонамизда йилига 2 миллион дона кўйлак ва 600 минг дона чойшаб тайёрланмоқда. Асосан пахта толасидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади. Бу борада хорижий давлатлардаги етакчи компаниялар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Шу пайтгача ўртача 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлсак, бу йил экспорт кўрсаткичини 5 миллион долларга етказишни мўлжаллаб турибмиз. Чунки, шу пайтгача матони четдан харид қилган бўлсак, ўтган йилдан бошлаб пахта кластери ташкил этиб, хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тизимни йўлга қўйдик. Яъни пахтани ерга экишдан бошлаб, тайёр маҳсулотгача жараённинг барча босқичларини ўзимиз амалга оширамиз. Бундан ташқари, корхонамиз қошида тола тўқиш ва бўяш цехлари ишга туширилди. Ушбу имконият туфайли энди ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам янада оширишни режалаштирганмиз. Қолаверса, келажакда корхона фаолиятини янада кенгайтириб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг турини ҳам кўпайтирмоқчимиз.

### НАРХ ЭМАС, СИФАТ БИРИНЧИ ЎРИНДА

Тўртинчи манзил «TONG» масъулияти чекланган жамияти жойлашган корхона бўлди.

Самарқанддаги ушбу масъулияти чекланган жамият ҳам замон талабларига мос фаолият олиб бораётир. У асосан полиграфия, қадоқлаш ва реклама маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланади.

– Бугунги кунда ушбу фаолият билан шуғулланаётган ишлаб чиқариш субъектлари кўпайган бир пайтда бозорда муносиб ўрин эгаллаш, доимий мижозлар топиш ва уларнинг сафини кенгайтириш осон эмас, – дейди жамият раҳбари Баҳодир Лутфуллаев. – Бундай пайтда кўпчилик тадбиркорлар сифатга эътибор бермай, нархни арзон қилиш орқали ўз маҳсулоти, хизматини таклиф этишга ҳаракат қилади. Биз эса, аксинча, нархни эмас, сифатни биринчи ўринга қўямиз. Аввал бошидан энг замонавий технологиялардан, сифатли хом ашёдан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилганмиз. Ўтган йил Самарқанд шаҳридаги фойдаланилмай бўш турган бинолардан бири 2 миллион евро инвестиция киритиш ва 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш шарти билан корхонага берилди. Бунинг учун «Асака» банки тадбиркорга хориждан замонавий ускуна харид қилиш учун 1 миллион 845 минг евро миқдорида кредит ажратди. Яна шуни алоҳида айтиб ўтишим лозимки, «Асака» банки билан ҳамкорлик қилиш бизга фақат омад келтирган. Бу гал ҳам банкнинг кредити ва қисман ўз маблағимиз ҳисобига Германиядан замонавий полиграфия ускунаси олиб келдик. Бинони таъмирлаб, янги жойда, янгича фаолият кўрсата бошладик. 22 кишини доимий иш билан таъминладик. Ишлаб чиқариш қувватимиз ҳам ошди.

Тадбир иштирокчилари «Асака» банки Самарқанд филиалида бўлиб, муассаса фаолияти билан яқиндан танишди. Мухтасар қилиб айтганда, бу каби медиа-тур тадбирлари вилоятларда фаолият олиб бораётган йирик корхоналар билан яқиндан танишиш ва уларнинг фаолиятини халқимизга етказишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади ва бу каби тадбирлар бошқа вилоятларда ҳам ўтказилади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**







Мамлакат, мактаб, муаллим.



# МАКТАБЛАРДА БЕШ ТАШАББУС

## фестивали ғолиблари аниқланди

**Самарқанд шаҳридаги 61-болалар махсус мактаб-интернатида Самарқанд, Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятлари бўйича «Умумтаълим мактабларида 5 ташаббус» фестивали танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

*— Президентимиз томонидан таълим-тарбия тизимига бош масала сифатида эътибор қаратилиши натижасида бугун мактабларда янгиланиш ислоҳотлар жараёни кетмоқда. Муаллимнинг дунёқараши ўзгармоқда. Педагог-ходимларимизда ўз касбига масъулият билан қараш туйғуси шаклланди. Ушбу фестивалга 2019 йил 20 ноябрь куни старт берилган эди. Мазкур санадан бошлаб www.bacebook.com ижтимоий тармоғида очилган "5tashabbus_ maktabda" гуруҳида мактаблар томонидан видеолар жойлаштирилди, дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқда 17 минг нафардан ортиқ аъзоси бўлиб, улар томонидан 6165 видеороликлар жойлаштирилди. Ушбу видеороликларга жамоатчилик томонидан 10 мингдан зиёд изоҳ қолдирилган, 96 215 муносабат билдирилган. Мазкур танловнинг аҳамияти шундаки, ҳар бир мактаб жамоасининг меҳнатига холис баҳони халқ берди. Ғолибларни, танловнинг барча иштирокчиларини Халқ таълими вазирлиги номидан табриклайман. Улардан янгидан-янги ташаббуслар кутиб қоламиз.*

*Танлов ғолибларига рақамли фортепьяно, компьютер, принтер, ноутбук, бадиий адабиётлар тўплами топширилди.*

*— Мактабимиз ушбу танлов ғолиблари сафидан ўрин олганлиги бизни жуда қувонтирди, – дейди Каттақўрғон туманидаги 17-ўрта мактаб директори, ЎзХДП фаоли Ҳақиқат Ҳамроева. — 2019 йилда мактабимиз "Обод қишлоқ" давлат дастурига киритилиб бутунлай қайтадан таъмирланди. Барча жиҳозлар янгиланди. Бундай чиройли, шинам, барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган мактабда ташаббускор ўқувчилар таълим олади. Ташаббускор ўқитувчилар фаолият кўрсатади. 2020 йил Президентимиз томонидан "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилинди. Демак, ўз-ўзидан таълим даргоҳларида меҳнат қилаётган ўқитувчи-мураббийларнинг масъулияти янада ошади. Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ва барча мутасаддиларга ўз миннатдорлигимни билдираман.*

**Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА**



ОИЛА — МУҚАДДАС

# ГУЛНОРА РАШИДОВА:

# «Онам оилани кўз қорачиғидай асраган фаришта эди»

*ёки таниқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидовнинг оиласидаги маънавий муҳит ҳақида*

– Оиламиз ниҳоятда аҳил бўлган, – дейди Гулнора Шарофовна. – Фарзандлар ва ота-онамиз ўртасида доим илиқ, яхши муносабат ҳукум сурарди. Улар бизнинг ўқимишли, олий маълумотли инсонлар бўлиб вояга етишимизни истар эди. Бу истак ёшлигимизданоқ онгимизга сингдириб борилди. Олий ўқув юртларига кириб таҳсил олдик, ота-онамизнинг юзини ерга қаратмадик. Улар фарзандлар таълим-тарбияси масаласида ниҳоятда талабчан бўлишган. Бизнинг уйда ҳеч ким ҳеч қачон қўпол гапирмаган, бақир-чақир қилмаган, умуман баланд овоз эшитилмаган. Кимнидир кутилмаганда жаҳли чиқса, бу биз учун ғайритабиий кўринар эди.



Онамнинг отам билан танишиши ва оила қуриши тарихи ажойиб. Ўша пайтда отам Самарқанд давлат университетида ўқиш билан бир пайтда Жиззах ишчи ёшлар мактабида дарс берган. Хурсандой унинг синфидаги ўқувчилардан бири эди. Улар бир-бирларига кўнгил қўйишади, лекин уруш бошланади. Отам 1942 йилда ярадор бўлиб уйга қайтади. Шу йили улар оила қуришади. Онам отам билан қирқ йилдан ортиқ вақт бирга ҳаёт кечирди. Умр бўйи отамнинг садоқатли дўсти ва энг яқин ёрдамчиси, суянчиғи бўлган. Онам оилани кўз қорачиғидек асраган фаришта эди. Отам вафотидан кейин онам қолган умрини бизнинг оилада ўтказди. Бу бизга отам ҳақида кўп ҳақиқатларни, айниқса, ҳаётнинг оғир дамларидаги ўй-кечинмалари тўғрисида билиш имконини берди. Баъзида онам ёнимизда, уйимиздадек туюлади, ҳаётнинг турли синовларида у кишининг хотиралари, панд-насиҳатларига таянамиз...

**Носир ТОИРОВ,**
**сиёсатшунос.**


ЕММM

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:**

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

### Бизнинг манзиллар:

**Тошкент шаҳри,** Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
**Андижон шаҳри,** Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
**Бухоро шаҳри,** академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
**Жиззах шаҳри,** Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
**Нукус шаҳри,** Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
**Қарши шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
**Навоий шаҳри,** Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
**Наманган шаҳри,** Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
**Самарқанд шаҳри,** Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
**Термиз шаҳри,** Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
**Гулистон шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
**Фарғона шаҳри,** Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
**Урганч шаҳри,** Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.



O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



TAHRIR HAY'ATI:

Ulug`bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Shuhrat JALILOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)



**Qabulxona** — (71)233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71)233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — (71)233-47-80, (71)233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.


«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 251. 2170 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:40.
Topshirilgan vaqti — 02:50.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi-dasturchi:
**Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5